O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 27-sentabr, shanba | № 78 (7583)

1-oktabr — O'qituvchilar va murabbiylar kuni umumxalq bayrami

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 25 sentabr kuni Oqsaroyda NATO Bosh kotibi Jorj Robertsonni qabul qildi.

TABRIK

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning "Do'stlik" ordenli Navoiy konmetallurgiya kombinati jamoasiga kombinat tashkil etilgan kunning 45 yilligi munosabati bilan yo'llagan tabrigi matbuotda e'lon qilindi.

NAVBATDAGI YIG'ILISH BO'LIB O'TDI

O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri O'tkir Sultonov boshchiligidagi mamlakatimiz delegatsiyasi Pekinda bo'lib o'tgan Shanxay Hamkorlik Tashkilotiga a'zo davlatlar hukumat rahbarlari kengashining navbatdagi yig'ilishida ishtirok etdi.

СИЗГА ТАЪЗИМДАДУР ЖУМЛАИ ЖАҲОН

Ҳаётда касб-корлар кўп. Албатта, ҳар бирининг ўз ўрни, қадр-қиммати, ўзига хос машаққатли жиҳатлари ва гашти бор. Лекин барча касблар ичида энг ардоқлиси ўқитувчилик, десак муболаға бўлмайди. Негаки, ҳар қандай инсон ана шу касб эгасининг серзаҳмат меҳнати туфайли илк бор ҳарф танийди, ёзиш ва ҳижжалаб ўқишни ўрганади. Унинг сабоқлари орқали фан оламига тетапоя қадам қўяди, қалбида беғубор орзулар куртак ёзади, кенг оламни таний бошлайди. Ана шу касб эгасининг кўз нури, соч оқлари, юрак қўри, юз ажинлари, бедор тунлари, яшалган умри эвазига тафаккурлари теран тортиб, камолот сари юз тутади. Аслида муаллим меҳнати таърифига айтилаётган бу гаплар янгилик эмас. Лекин бу фикрлар қанчалик такрорланмасин, оҳори тўкилмайди, жозибасини йўқотмайди, аксинча, бетакрор маъномазнун касб этаверади. Зеро, келажагимиз ҳам муаллим олдига қўйилган ягона ва асосий вазифанинг қай даражада бажарилишига боғлиқ. Ҳеч муболағасиз, Ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ҳам бу касб эгаларига бўлган юксак эъзоз ва эътироф рамзидир.

Хўш, бу йилги байрам тадбирлари жойларда қай тарзда ўтказилади-ю, ўтган йиллардагидан қай жиҳати билан фарқ қилади?

ШОДИЁНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳур диёримизда катта шодиёналик билан нишонланган улуғ истиқлолимизнинг ўн икки йиллиги шукуҳи умумхалқ байрами саналган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни тантаналари билан уйғунлашиб кетди. Бу руҳ чорвадорлару пахтакорлар, кимёгарлару металлурглар юрти бўлмиш навқирон Навоий вилоятида ўзгача сурур касб этмоқда. Вилоят аҳли айни кунда ҳазрат Мир Алишер Навоий номи билан юритилгучи Навоий шаҳрининг ҳамда бетимсол олтини, бебаҳо саноат маҳсулотлари ила жаҳонга юз тутаётгани баробарида вилоят таълим ва маданиятининг доимий ҳомийларидан бирига айланган Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг 45 йиллигини нишонлашмоқда. Шаҳарнинг кўча ва хиёбонлари байрамона тус олган.

Ана шу шаҳарнинг энг сўлим масканларидан бирида ўзларининг касб байрамларини нишонлаш учун йиғилган устоз мураббийларнинг қалбида ҳам юртдаги шу қўшалоқ байрамнинг кайфияти ҳукмрон эди.

Тадбирга вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан таълим фидоийлари, меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари ташриф буюришди.

Йиғилганларни вилоят ҳокимининг ўринбосари Дўстмурод Холиқулов, Республика ташхис маркази директори ўринбосари Шарифжон Эргашев, фаолиятларини ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этган меҳнат фахрийлари Очил ота Наврўзов, Насириддин ота Латиповлар қутлашиб, дил тилакларини изҳор этишди.

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МЕТАЛЛУРГЛАРНИНГ МАКТАБЛАРГА ТУҲФАСИ — 6-бет

ОТА КАМАРИ: *У тарбияда самара берадими?* — 7-бет

«МЕН ЙЎЛДОШ МУАЛЛИМ ҚЎЛИДА БИЛИМ ОЛГАНМАН» — 8-бет

«УСТОЗ» СКАНВОРДИ — 16-бет

МАЪРИФАТ НУРИНИ СОЧГУВЧИ УСТОЗ

Буюк энциклопедист олимлар яшаб ўтган ўлка ёшларининг географияга, табиатшуносликка бўлган қизиқишлари ҳам улкан. Муаллимлар эса уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришга, илмнинг янги қирраларини ўргатишга ҳамиша шай. Фарғона вилояти Риштон туманидаги 16-мактабнинг олий тоифали география ўқитувчиси Умаржон Умирзоқов ҳам ҳар бир дарсни ўқувчиларга янгича усуллар билан тушунтиришга ҳаракат қилади. У бир мавзуни кўргазмали қуроллар ёрдамида болалар онгига сингдирса, иккинчи дарсни, албатта, табиат қўйнида ўтказади. Болалар қалбига йўл топадиган, моҳир педагог Умаржон Умирзоқовнинг бундай меҳнатлари муносиб баҳоланган. У 2001 йилда "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвони соҳиби бўлди. 30 йиллик фаолият давомида география соҳасига кўплаб етук мутахассислар етказиб берган жонкуяр устоз илм йўлидаги изланишларини давом эттирмоқда.

Суратда: Умаржон Умирзоқов навбатдаги дарсни ҳам кўргазмали қуроллар воситасида олиб бораётир.

Бурхон РИЗО олган сурат

Yangiqo'rg'on tumanida yana bir yangi maktab barpo etildi. U tumanning faxri bo'lib qoladi. Chunki uning qurilishida barcha barobar hissa qo'shdi.

СИЗГА ТАЪЗИМДАДУР ЖУМЛАИ ЖАҲОН

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИРОФ РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Юртбошимиз таъриф этганидек, қалбингизда ҳеч қачон маърифат чироғи сўнмасин, сизу бизнинг шарафли меҳнатимиз халқимизнинг, мамлакатимизнинг шарафли кунларига хизмат қилсин, — деди вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Х.Якубаев.

Шу куни байрам муносабати билан халқ таълими тизими фидоийларининг бир гуруҳи "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси" нишони, Халқ таълими вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Уларга ранго-ранг гулдасталар тақдим этилди.

Байрам қутловлари дилбар куй-қўшиқлар, жозибали рақсларга уланиб кетди. Бир пиёла чой устида қалб меъмори — муаллимлар аҳлига иззат-икром кўрсатилди.

Байрам шодиёналари вилоятнинг туман ва шаҳарларида давом этмоқда.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Касб байрами муносабати билан Бухоро шаҳрида ўтказиладиган вилоят ўқитувчиларининг йиғинига таклиф этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими раиси Абдулла Музаффаров ва Эгам Олимов билан муаллим ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Бу ҳассос инсонларнинг бири узоқ йиллар вилоят халқ таълими тизимига, бири Ғиждувон тумани маорифчиларига раҳбарлик қилган, халқ таълими фахрийлари, бой ҳаётий амалий тажрибага эга, эл-юрт ҳурматига сазовор, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи. Ҳозир ҳам тажрибалари, билимлари билан таълимнинг сифат ва мазмунини янада яхшилашда ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Дарҳақиқат, вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ҳамкорликда уюштирган байрам тадбирида ана шундай обрў-эътиборли таълим фахрийлари, барча шаҳар ва туманлар таълим муассасалари вакиллари — ўз касби, зиммасига юклатилган масъулият, жамиятда тутган ўрни, талабини теран англаган фидойи муаллимлар иштирок этишмоқда. Улар орасида Дилафрўз Абдуллаева (Пешку туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси), Сайёра Азимова (Тўқимачилик тумани, 12-мактаб), Шуҳрат Амонов (Вобкент, 2-мактаб), Зебинисо Аҳмедова (Ромитан, 1-мактаб), Олима Вахтатова (Когон, 1-мактаб) сингари ислоҳотлар жараёнларидаги фаол иштироки, ташаббускорлиги ва изланувчанлиги билан ҳамкасбларига ибрат кўрсатиб, меҳнат қилаётган муаллимларни ҳам кўриш мумкин.

— Бу йилги касб байрамимизни одатдагидай тантанали йиғилиш эмас, бир пиёла чой, тўкин дастурхон атрофида суҳбат тарзида нишонлаймиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Раззоқ Шукуров. — Негаки, ўзаро эркин мулоқот, давра муҳитида тўпланганлар кўпроқ фикрлашиб, руҳий қувват оладилар.

Даврага ҳамкасблар, меҳмонларнинг қутловлари, вилоят маорифчилар уйи бадиий ҳаваскорлари жозибали қўшиқ ва рақслари билан ўзгача завқ, кўтаринки кайфият бағишлайди. Ёш авлод таълим-тарбиясида юқори натижаларга эришаётган бир гуруҳ педагогларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари, мукофотлар топширилади. Тадбирга таклиф этилган барчага совға-саломлар улашиш режалаштириб қўйилган.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

ШУКУҲЛИ БАЙРАМ ТАДОРИГИ

Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги байрами тантаналари ҳалигача давом этиб турган ушбу шукуҳли дамларда мамлакатимизда яна бир ажойиб кунга тайёргарлик бошланиб кетди. Бу — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами. Уни том маънода заковат аҳли ва донишмандлар байрами десак, янглишмаймиз.

Мазкур байрамга тайёргарлик ишлари Самарқанд вилоятида ҳам бошлаб юборилди. Асосий байрам тадбири кўҳна ва навқирон шаҳримизнинг "Афросиёб" меҳмонхонасида ўтказилиши мўлжалланмоқда. Унга 300 нафардан зиёд касб фидойилари, фахрий ўқитувчилар, давлат мукофотлари соҳиблари, илғор тажрибали педагоглар таклиф қилинган.

Бу йилги байрам мустақиллигимизнинг ўн икки йиллик мучал тўйи давом этаётган даврда нишонланаётганлиги билан ўтган йиллардаги байрамлардан фарқ қилади. Чунки ўтган даврларда халқ хўжалиги соҳаларида эришилган ютуқлар билан бирга таълим тизимида ҳам қатор ютуқлар, янгиликларга эришилди. Маълумки, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи сифат босқичини бажаришга киришдик. Бу босқичда асосан таълимнинг сифати ва самарадорлигига асосий эътибор қаратилмоқда. Шу маънода айтадиган бўлсак, таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида вилоят туман ва шаҳарларида фанлар кесимида таянч мактаблари ташкил этилиб, уларда фан ўқитувчилари услубий салоҳиятини ошириш бўйича катта вазифалар қўйилган. Шунинг билан бирга вилоятда ўндан зиёд фан сирлари чуқур ўргатиладиган мактаблар фаолиятини янада ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда.

Ўқитувчилару мураббийлар, умумхалқ байрамида иштирок этаётган педагоглар келажакда мазкур вазифаларни астойдил уддалашга бел боғлаб киришадилар.

Муҳаббат РАВШАНОВА

ЯНГИ МАКТАБ — БАЙРАМГА ТУҲФА

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги 20-мактаб Бекобод қишлоғида жойлашган бўлиб, аҳолининг кўпайиб бориши ҳисобига ўқувчилар сони ортиб, ўқитиш икки навбатда олиб борилса-да, синф хоналари етишмай қолган эди. Қолаверса, қишлоқнинг ўртасидан оқиб ўтадиган сой, мактабга борадиган йўлнинг носозлиги узоқдан қатнайдиган ўқувчиларга қийинчилик туғдирарди.

Туманга ҳоким этиб тайинланган И.Мамажонов ўз фаолиятини халқ таълими муассасаларининг аҳволини ўрганиш билан бошлади. Мазкур мактабнинг шароити оғир эканлигини тушунган ҳоким ота-оналар, ташкилотлар раҳбарларига қишлоқда ҳашар йўли билан яна бир мактаб қуриш таклифини ўртага ташлади. Табиийки, бу таклиф қўллаб-қувватланди.

Шундай қилиб, қишлоқнинг янги маҳаллалари жойлашган қисмида мактаб учун жой ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Кўпчиликнинг астойдил ишга киришганлиги боис тез орада 350 ўринли мактаб биноси қад кўтарди. 600 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд бўлган ушбу мактаб биноси асосан тумандаги 7-қурилиш корхонаси қурувчилари томонидан бажарилди. Мактаб биносини қуриб битказишда тумандаги барча ташкилотлар, корхоналар, хусусий тадбиркорлар ва қишлоқ аҳолиси қатнашди. Айниқса, Тўйчи Неъмат номидаги ширкатлар хўжалиги, вилоят йўл қурилиши бошқармаси туман бўлими, "Саховат", "Бўстон" масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси, туман халқ таълими бўлими яқиндан ёрдам кўрсатишди.

— Ўқитувчилар ва мураббийлар кунида фойдаланишга топшириладиган ушбу янги — 60-мактаб Бекобод қишлоғи аҳолиси ҳамда ўқувчилари учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Ҳасанбой Жамолов. — Худди шу янги мактаб ҳудудида яна бир иншоот — болалар спорт мажмуаси қад кўтармоқда. Туман ҳокимининг ташаббуси билан 200 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиши кўзда тутилаётган спорт мажмуаси ҳам ҳашар йўли билан қуриб битказилади.

Биз янги мактабга борганимизда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилаётган эди. Қишлоқ кўркига кўрк қўшган бу бино замонавий кўринишга эга бўлиб, ўқувчиларнинг кенг ва ёруғ хоналарда билим олишлари учун шароит яратилган.

Ҳа, Янгиқўрғон туманида яна бир янги мактаб барпо этилди. У туманнинг фахри бўлиб қолади. Чунки унинг қурилишида барча баробар ҳисса қўшди.

Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ўқитувчилар ва мураббийлар ҳар қанча эъзоз, эътибор, эҳтиром ва эътирофга лойиқдир. Айни дамлар барча учун ана шундай саодат паллалари. Ушбу шодиёнанинг асосий тадбири 29 сентябрь куни пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида бўлиб ўтади.

КАСБИМИЗГА ДОИР МАҚОЛАЛАР — ДОИМО ЁРДАМЧИМИЗ

Мен ҳам болалигимда, 13 ёшимда 13 минг хил орзу-ҳаёллар билан яшардим. Ниҳоят, болаларни яхши кўрганлигим учун 8-синфни тамомлаб, Марғилон педагогика билим юртига ўқишга кирдим. 18 ёшимда тарбиячилик касбини эгалладим. Ўзим, укаларим тарбия олган 1-"Ғунча" болалар боғчасида педагогик фаолиятимни бошладим. Ёш бўлганлигим учун боғча мудирамиз Лениза Ибрагимовна (охирати обод бўлсин) барча ташкилий ишларни менга топширардилар. Жумладан, газетага обуна қилишдек масъулиятли вазифани ҳам менга ишонардилар. Ишни битириб бўлдим, бажардим, десам хурсанд бўлиб, "Раҳмат қизим, онангиз ўқитувчи-да, шунинг учун ишнинг тезда уддасидан чиқасиз" дердилар.

Аям ўқитувчи бўлганликлари учун "Ўқитувчилар газетаси", уйимизга ўз вақтида етиб келар эди. Мен хатни таний бошлаганимдан (1965 й.) бери шу газетани ўқиб келаман.

Хуллас, 28 йиллик педагогик фаолиятим, уйдаги аяжонимнинг газеталарини ҳисобласам салкам 40 йилдан буён "Ўқитувчилар газетаси", "Маърифат" мен билан бирга экан.

1977 йилда сиртдан Қўқон педагогика институтига ўқишга кирдим. Ўқиш даврида курс ишлари, маърузалар, рефератларда менга керак бўлган энг биринчи газета "Маърифат" бўлди. Боғчада барча ташкилий ишларнинг ичида энг масъулиятлиси обуна мавсуми эди. Мен буни шараф билан бажарар эдим.

1991 йилдан ҳозиргача мактабгача таълим методисти бўлиб ишламоқдаман. Шундан буён энди туман бўйича тарбиячиларни обунаси ҳам менинг зиммамда. Ўзим обуна бўламан, кейин бошқаларни шунга чақираман.

"Маърифат" ҳар бир боғчага боришига, у ерда педагогик кенгашларда газета материаллари ўрганилишига ҳар йили ҳисса қўшаман. Яқинда берилган "Болангиз мактабга тайёрми?" рукни остида педагогика фанлари доктори, профессор Қ.Абдуллаеванинг 10 та мақоласи менга ниҳоятда ёқди. "Маърифат"да касбимга дахлдор берилаётган илмий-методик мақолалар иш фаолиятимда доимо ёрдам бермоқда.

Обуна — 2004

Биз боғчада болаларни мустақил фикрлашга, эркин фикр юрита олишга, ана шуларни нутқида ифода қила билишга ўргатамиз. Қолаверса, Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган "Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастури ишимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш бизнинг энг муҳим вазифаларимиздир. Ўтган ўқув йилида узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш бўйича таянч мактабгача таълим муассасалари белгиланади, турли номда 8 хил методик тавсиянома тайёрлаб, туман МТМларига тарқатдик.

Бундан ташқари, туманимиздаги 4450 нафар 6-7 ёшли болаларни ноанъанавий усулларда мактаб таълимига тайёрлаяпмиз. Умуман олганда, таълим ислоҳотида фаол иштирок этмоқдамиз. Боғчадаги таълим-тарбия уйда ҳам давом этиши керак. Бунинг учун боғчалардаги ота-оналар университетида уларга педагогик билимлар бермоқдамиз. Учкўприк маҳалласи ёш оналари учун "Ғунча" болалар боғчаси қошида, Тошкентлигузар маҳалласи ҳудудидаги ёш оналар учун "Шодлик" болалар боғчасида вилоят халқ таълими бошқармаси буйруғи ва ёрдами билан "Ёш оналар мактаби" фаолият кўрсатмоқда. Бу ишларимиз болаларни мактабга тайёрлашимизда ёрдам бермоқда.

Биз кичкинтойларимизни мактабдаги ўқишга тайёрлар эканмиз, шарқ педагогика дурдоналарини, буюк сиймолар ҳаётини ибрат қилиб кўрсатамиз. Бу ишларни амалга оширишда "Мактаб, оила, маҳалла ва боғча" концепциясини ҳаётга тадбиқ этмоқдамиз.

Оила билан боғчанинг ҳамкорлиги ҳамда мактаб билан боғчанинг ҳамкорлигида бирлик бўлса, ўша жойда иш яхши кетади. Биз ҳар ўқув йили бошида ҳудудий боғча-мактаб алоқасини бирлаштириш учун ХТБнинг буйруғини чиқарамиз. Шу билан мактаб-боғча ишлари доимо бирга бўлади. Мисол учун: Раҳматулла қишлоғида 19-мактаб билан 3-"Бойчечак" боғчасининг ҳамкорлиги диққатга сазовордир. Олдин улар иш режа тузадилар ва ҳар чоракда ишлар ижроси бўйича фикрлашиб оладилар. Бу ишларда Раҳматулла қишлоқ маҳалласи ҳамда Ҳамза ширкатлар уюшмаси раҳбарлари ҳам бош-қош бўлмоқда.

Мукаррамхон ЭРГАШЕВА,
Учкўприк тумани ХТБ мактабгача таълим бўлими методисти

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАЁТГАНИМДАН ҒУРУРЛАНАМАН

5-синфларда "Ватан туйғуси" фанидан "Ватан нима?" мавзуси бўйича ўтказиладиган бир соатлик назарий машғулот ишланмаси

Мақсад:

Таълим берувчи: Ватан ҳақидаги билим ва тушунчаларни шарҳлаб, ўқувчиларнинг қалби ва онгига назарий ва амалий усулларда сингдириб, уларда юртга муҳаббат, она заминга садоқат туйғусини шакллантириш.

Ривожлантирувчи: Таҳлилий тафаккур қилиш, хулоса чиқариш ва таклифлар киритиш маҳоратини ривожлантириш, кўмак берувчи қўшимча адабиётлар билан ишлаш маҳорати ва кўникмаларини шакллантириш.

Тарбияловчи: ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш, ғурур-ифтихор туйғусини тарбиялаш.

Жиҳозлар:

Қўшимча адабиётлар: И.А.Каримов "Тарихий хотирасиз келажак йўқ". А.Авлоний. "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ", А.Иброҳимов ва бошқалар "Ватан туйғуси", Азим Суюн "Ўзлик", А.Иброҳимов "Биз ким ўзбеклар" асарлари, қоғоз, маркерлар, скотч.

Дарснинг бориши. Дарс ташкил қилинади.

Ўқитувчи гуруҳларда ишлаш учун тегишли гуруҳни белгилайди. Гуруҳни ташкил қилишда ўқитувчи энг зеҳнли ёки энг қобилиятли ўқувчиларни танлаб олиб, уларни ҳар бир гуруҳга киритади. Шунингдек, ўқувчилар орасидаги уқувсизларни ҳам танлаб олиб, уларни ҳар бир гуруҳга тақсимлаб чиқади. Ҳар бир гуруҳ аъзолари давра қуриб, бир-бирларини бемалол кўра оладиган тарзда ўтириб олишади.

Ватан ҳақидаги тушунчаларни баён этиш топширилади. Ўқувчиларга ишлари учун қоғоз ва маркерлар берилади.

Ўқитувчи ўқувчиларда туғилган саволларга жавоб бериши учун ҳар бир гуруҳ атрофида юради ҳамда муҳокама якунида ҳар бир гуруҳ тақдим этган яхши ғояга алоҳида эътибор бериб, ўз кузатувлари тўғрисида гапириб беради.

Ўқувчилар топшириқни бажариб бўлгач, ораларидан тайинланган ўқувчи томонидан ёзганларини тақдим этадилар.

Ўқувчиларнинг ишлари синф хонасининг кўринарли жойларига илинади. Бу вақтда ўқитувчи ўқувчиларнинг аниқ ва лўнда фикрларини синф тахтасига қуйидаги тартибда (кластер) ёзиб боради. Ўқувчиларнинг Ватан ҳақидаги билимлари умумлаштирилиб, ўқитувчи томонидан хулоса чиқарилади.

Демак, Ватан деганда, аввало, туғилган маконимиз, киндик қонимиз тўкилган жойни тушунамиз. Лекин бу Ватан сўзининг тор маъноси. Ватан сўзининг кенг маъноси эса ўзимиз, халқимиз яшаётган мамлакатимиздир.

Ватан, аввало, аниқ бир жой, яъни номи, давлати, халқи, ери ва осмони, табиати, тарихан шакллганган чегаралари, тимсолларига эга бўлган маълум бир ҳудуд, яъни мамлакатдир.

Англаш. Ўқув қўлланмада берилган матн гуруҳ ўқувчиларига бўлиб берилади.

I гуруҳга: Ватан ва ватан ичидаги ватан ҳақидаги (7-8 бет);

II гуруҳга: Маҳалла, қишлоқ, шаҳар сўзлари ҳақидаги (8-9 бет);

III гуруҳга: Юртимиздаги вилоятлар, Ўзбекистон ягона ватан эканлиги ҳақидаги (10-11 бет);

IV гуруҳга: Ватан нимаси билан қадрли, нима учун бир умр инсонни ўзига мафтун этиши ҳақидаги маълумотларни ўқиш (12-13 бет);

Ўқувчилар матнни мустақил ўқиб, мазмунини ўзлаштирадилар. Гуруҳлардан бир ўқувчи чиқиб матн мазмунини гапириб беради. Ўқувчилар савол берадилар. Саволларга ўқувчи, жоиз бўлса, ўқитувчи жавоб беради.

Мустаҳкамлаш. Олинган билимларни қанчалик тушунганини текшириш учун ўқитувчи ўқувчиларга саволлар беради.

Савол: Ватан сўзи қандай маънони билдирар экан?

Жавоб: Ватан сўзи арабча сўз бўлиб, туғилган макон деган маънони билдиради.

С: Ватан ичидаги кичик ватанга нималар киради?

Sinab ko'ring

Ж: Инсон туғилган, вояга етган хонадон, маҳалла, қишлоқ ва шаҳар Ватан ичидаги кичик ватандир.

С: "Қишлоқ" сўзи қандай маънони билдиради?

Ж: "Қишлоқ" ўзбекча сўз бўлиб, қишлайдиган жой деган маънони англатади.

С: Қайси сўзлар "Ватан" сўзининг маънодошлари ҳисобланади?

Ж: Ватан сўзининг маънодоши "юрт", "диёр", "ўлка", "мамлакат" сўзларидир. "Юрт", "ўлка" сўзлари ўзбекча, "диёр" форсча, "мамлакат" сўзи арабча, "республика" сўзи эса лотинчадир.

С: "Мамлакат" сўзи қандай маънони билдирар экан?

Ж: "Мамлакат" сўзи мулк, яъни кимгадир тегишли бўлган нарса маъносини билдиради. Бу сўз бугунги кунда бирор-бир давлатга қарашли бўлган ҳудуд, унинг ижтимоий-сиёсий тузуми ва у ерда яшайдиган халқни англатади. Масалан, Хитой мамлакати деганда, ушбу давлат жойлашган ҳудудни, у ердаги давлат тузуми ва халқни тушунамиз. Мамлакат сўзи кўпроқ ватаннинг расмий мақомини таъкидлашда қўлланади.

С: Кимларни биз аждодлар деб атаймиз?

Ж: Аждодлар деб, инсоннинг узоқ ва яқин ота-боболарига айтилади.

С: Авлодлар кимлар?

Ж: Авлодлар деб, инсон наслининг давомчиларига айтилади.

С: Ватанпарвар аждодларимиздан кимларни биласиз?

Ж: Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Бобур Мирзо ва бошқалар.

Ўқувчилар билан савол-жавобдан кейин фикрлаш учун уларга Ватан сўзига маънодош бир неча сўз бирикмаларини тузиб, уни шеърга айлантириш топширилади. Бу усул Синквейн дейилади.

Масалан:

Туғилган маконим,
Юртим чаманим.
Озод, обод,
Ҳур Ўзбекистоним.

Ўқувчиларнинг бу қисқа шеърлари ҳам ўзлари томонидан ўқиб эшиттирилади ва таҳлил қилинади.

Уйга топшириқ: Ўқитувчи гуруҳлар ишига якун чиқаради. Ўқувчиларни баҳолайди. Уйга "Мен Ўзбекистонда яшаётганимдан ғурурланаман" мавзусида иншо ёзиб келиш топширилади.

Фотима ХОЛМИРЗАЕВА,
РТМ "Маънавият ва маърифий ишлар" бўлими бош методисти

КИТОБ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Яқинда "Турон" кутубхонасининг ўқув залида "Китоб — менинг тақдиримда" мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда атоқли зиёлилар, талабалар ҳамда китобсеварлар учрашдилар. Атоқли олимлардан — Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, филология фанлари доктори Наим Каримов, адабиётшунос олим Шуҳрат Ризаев, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Жамилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Дилором Омонуллаевалар китобнинг ҳаётларида тутган ўрни ва китобхонликнинг бугунги аҳволи, унинг истиқболлари ҳақида гапирдилар.

Учрашувни Тошкент вилояти Кутубхоналар ассоциацияси, "Турон" илмий-универсал кутубхонаси ва республика "Маърифатпарварлар жамияти" ташкиллаштирган.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
ЎзМУ журналистика факультети 2-курс талабаси

"ЁШЛАР САЙЛИ"

Ўзбекистон Миллий боғида "Ватан ягона. Ватан ёшлар қўлида" мавзуида ёшлар сайли бўлиб ўтди. Кечани Ўзбекистон Миллий боғи, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Туркистон" газетаси ҳамкорликда ташкиллаштирдилар. Тошкент давлат маданият институти қошидаги "Чашма" фольклор ансамбли ўз чиқишлари билан йиғилганларни қутлади. Унда Камолиддин Беҳзод номидаги республика рассомчилик ва миллий дизайн институти талабалари ўзлари чизган суратлар кўргазмалари билан қатнашдилар. Йиғилганларни қутлаш учун бир гуруҳ эстрада хонандалари ҳам ташриф буюришди. Шунингдек, ЎзМУ журналистика факультети профессори, филология фанлари доктори, Мухтор Худойқулов биринчи курс талабаларига ўзининг илиқ тилакларини билдирди. Тадбир кун бўйи давом этди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларда ватанга бўлган меҳрни уйғотиш, уларни бирлаштириш мақсадида ўтказилган мазкур «ёшлар сайли» узоқ вақт ёшлар хотирасидан ўчмайдиган бўлди.

Зевара АҲМЕДОВА,
Абдусалим МАҲМУДОВ,
ЎзМУ журналистика факультети 1-курс талабалари

ТАБИАТГА САДОҚАТ

Андижон вилоят Ёш табиатшунослар марказида 2002—2003 ўқув йилига бағишланган "Гўзал табиатга муҳаббат туйғуси" мавзусида йиғилиш ўтказилди. Бу анжуманда Андижон вилоят Ёш табиатшунослар марказининг 2002—2003 ўқув йилидаги фаолияти ва янги 2003—2004 ўқув йилида қилинадиган ишлар тўғрисида марказнинг экология ва ҳуқуқ тўгараги раҳбари, олий тоифали ўқитувчи Сотиболди Ниёзматов маъруза қилди.

Музокарада шаҳардаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг 6-"А" синф ўқувчиси Гулдона Жабборова "Мен гуллар шайдосиман", 22-умумий ўрта таълим мактабининг 6-"А" синф ўқувчиси М.Аҳмедова "Экология ва табиатни қўриқлаш ўз қўлимиздадир" деган мавзуда маъруза қилдилар.

Andijon

Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Муҳтарамхон Исомиддинова сўзга чиқиб, анжуман иштирокчиларини янги ўқув йили билан қизғин табриклади. Тадбирда тўгарак аъзолари ҳур Ўзбекистонни, истиқлолни мадҳ этувчи қўшиқлар, рақслар, декламацияларни кенг намойиш этдилар. Бундан ташқари 5, 15, 20, 22, 25, 29-мактабларнинг ўқувчилари фаол иштирок этдилар.

Анжуман сўнгида бир гуруҳ мураббийлар, ғолиб ўқувчилар фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шуҳратбек КЕЛДИЕВ

Фарғона шаҳридаги «Парвоз» боғча-мактаб мажмуасини ўтган ўқув йилида 11-синфни 14 нафар ўқувчи битириб, барчаси олий ўқув юртига киришди.
Суратда: боғча-мактаб ўқитувчиси Шоҳида Хўжаева ўқувчиларга дарс бермоқда.
Бурҳон РИЗО олган сурат.

Ibn Sino mukofotini tasdiqlanishi fan taraqqiyotining etikaviy aspektlarida xalqaro jamiyat diqqatini ko'proq jalb etishda muhim rol o'ynaydi.

Seminar

СЕМИНАРДА ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

Мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими сифатини янада такомиллаштиришда, педагог-кадрлар касб маҳоратини ошириш, шунингдек замонавий ўқув муассасалари моддий-техник базасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан бирга, турли халқаро ташкилотлари кўмагида ўтказилаётган ўнлаб семинар-тренинг машғулотлари ҳам ўз самаралари-ни бермоқда. Ана шундай семинарлар-дан бири мамлакатамиздаги Британия Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Икки кун давом этадиган ушбу тадбирда ЎМКҲТ Марказининг бир гуруҳ масъул ходимлари, турли ўрта махсус таълим муассасалари раҳбарлари, иш берувчи ташкилот вакиллари ҳамда Буюк Британиядан ташриф буюрган мутахассислар иштирок этмоқдалар.

— Мазкур семинарни ўтказишдан мақсад, — дейди семинар координатори Грехем Греймс биз билан суҳбатда, — аввало, таълим соҳаси ходимларини Буюк Британия таълим тизими билан яқинроқ таништириш, ўзаро тажриба алмашиш баробарида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган кичик лойиҳаларни ишлаб чиқишдан иборат. Шу билан бирга Ўзбекистонда бугунги кунда ривожланиб бораётган меҳнат бозорини юқори малакали мутахассис-кадрлар билан тўлдириш борасида таълим муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат. Семинар давомида ушбу мақсадларни ўзида мужассам этган лойиҳанинг тақдимоти ҳам ўтказилиб, у иштирокчилар томонидан муҳокама қилинади.

Семинарда иштирок этаётган Оқ олтин иқтисодиёт-ижтимоиёт касб-ҳунар коллежи директори Ёвқочди Ҳайдаров Буюк Британия таълим тизими билан яқиндан танишиб қайтган таълим соҳаси ходимларидан бири.

— 2003 йилда Буюк Британиянинг қурилиш ва ричмент касб-ҳунар коллежларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлдим, — дейди Ё.Ҳайдаров. — Ушбу давлат таълим муассасаларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, маъруза ва дарс машғулотлари, ўқув-лаборатория ишларининг замонавий техник воситалар ёрдамида олиб борилишидадир. Ўзида қарийб 80 минг талабани жамлаган ушбу ўқув муассасаларида жаҳоннинг турли давлатларидан келган талабалар таҳсил олишади. Ўқиш шартнома ва бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Коллеж битирувчиларининг иш билан таъминлаш мақсадида кўпгина ишлаб чиқариш корхоналари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 32-мактаб немис тили ўқитувчиси Ўғилой Раҳматиллаева 23 йилдан бери ёш авлодни немис тили сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.
Суратда: муаллима дарс пайтида.

Б.РИЗО олган сурат.

ИБН СИНО НОМИДАГИ МУКОФОТ

Ўтган йили Мак Гил (Канада) шаҳридаги Монреал университети профессори Маргарет Сомервилл ЮНЕСКО тасдиқлаган «Фанда этика бўйича Ибн Сино мукофоти»нинг биринчи совриндори бўлган эди.

Австралия ва Канада фуқаролигига эга бўлган Маргарет Сомервилл Мак Гил шаҳрининг Монреал университетида тиббиёт, этика ва ҳуқуқ муаммолари бўйича марказ ташкил этди. У фанлар бўйича этика йўналишининг фаол қатнашувчиси, Канаданинг миллий илмий кенгаши қошида этика бўйича қўмита асосчиси ва президенти. Спорт этикасини Канада маркази, тиббиёт ва фан ҳуқуқ масалалари бўйича Америка жамияти аъзоси М.Сомервилл ўз мақолалари орқали чиқишларида тиббиёт ва фанда биоэтика, этикавий аспектлар муаммоларини қайта ишлашда катта натижаларга эришди. У халқаро ташкилотлар — ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ комиссияси каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлайди. Бир қанча илмий мақолалари кенг жамоатчиликда қизиқиш уйғотган.

ЮНЕСКОнинг ижро этувчи қўмитаси аъзолари 2002 йилда фанда этика бўйича Абу Али ибн Сино мукофотини тасдиқлаб, фаннинг, технология ва ижтимоий шаклланишида маънавий этик тамойилларнинг қолиб кетаётганини таъкидладилар. Ибн Сино мукофотини тасдиқланиши фан тараққиётининг этикавий аспектларида халқаро жамият диққатини кўпроқ жалб этишда муҳим роль ўйнайди.

Мукофотни халқаро ҳакамлар таркибига ЮНЕСКОнинг технология ва илмий билимлар этикаси бутунжаҳон комиссияси раиси Йенс Ерик Фенстад (Норвегия), Эътиқод ва фанлар бўйича умумжаҳон комиссияси аъзолари Лейла Сетх (Ҳиндистон) ва Шейк Модибо Диарра (Мали) кирганлар. Комиссиянинг учинчи сессияси Бразилияда бўлиб ўтади. Мукофот тақдимоти декабрь ойининг бошига режалаштирилган.

Гулноз ҒУЛОМОВА

МАКТАБДА «ҲОСИЛ БАЙРАМИ»

Олтин куз саховатидан барча баҳраманд бўлаётган тўкин фаслда ўтказилаётган "Ҳосил байрами"га мактабларда эътибор ошиб бораяпти. Ўқувчилар куз неъматларидан саралаб, серқуёш Ўзбекистонда пишиб етилган мева ва полиз маҳсулотларини намойиш қилмоқдалар.

Юнусобод туманидаги Юсуф Мўминов номидаги 274-мактабда ҳам "Ҳосил байрами" бўлиб ўтди. Ҳайъат аъзолари юқори синф ўқувчилари тайёрлаган куз неъматлари билан безатилган столларни юқори баҳоладилар.

— "Ҳосил байрами"га ўқувчиларимиз анча тайёргарлик кўришди, — дейди мактаб раҳбари С.Маҳкамов. — Улар ҳар бир мевали дарахт ҳосилининг, жумладан, олма, нок, хурмо, узум, анжир, полиз маҳсулотлари, қовун, тарвуз, қовоқ, миллий ифтихоримиз пахта ва бошқа куз неъматларининг фойдали хусусиятлари, қандай касалликларга даво эканлиги ҳақида китобчалар, буклетлар, рангли альбомлар ҳам тайёрлашган. Она табиатга, жонажон Ватанга меҳр-муҳаббат уйғотган ушбу тадбир болажонлар учун зарур ва фойдалидир.

"Ҳосил байрами"да барча мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар ҳам иштирок этишди.

Гулнора ПЎЛАТОВА,
Тошкент шаҳридаги 34-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

МАРКАЗ ГУРУҲЛАРГА БЎЛИНИБ ИШЛАЙДИ

Биз фуқаровий, одил, ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан борар эканмиз, албатта, бу соҳада асосий фаолият юритувчи юрист-ҳуқуқшуносларнинг ўрни ва хизмати беқиёсдир. Президентимиз ҳам айнан, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш масаласига катта эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Шу соҳага кадрларнинг асосий қисмини етиштириб бераётган Тошкент давлат юридик институти ҳозирда ўзининг илмий салоҳияти ва малакали профессор-ўқитувчилари билан ажралиб турибди.

Айниқса, шу йили институтда "Иқтидорли талабалар маркази"нинг ташкил этилганлиги мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунга келиб марказ қошида "Хорижий тилларни чуқур ўрганиш", "Лидер ёшлар клуби", "Тарғибот-ташвиқот", "Интернет", "Таржимон", "Матбуот маркази" гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, унда иқтидорли талабалар дарсдан сўнг фаолият олиб боришмоқда. Марказ асосий хонага эга бўлиб, замон талаблари даражасида жиҳозланган. Унда иш олиб бориш учун институтнинг малакали профессор-ўқитувчилари ва 125 нафар энг фаол талабалар жалб қилинган.

"Лидер ёшлар клуби"да талабалар Ўзбекистон қонунчилиги ва жаҳон тажрибаларини таққослаш, амалдаги қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар бериш, халқаро ташкилотлар томонидан таъсис этиладиган дастурларда ўз ғоялари билан қатнашиш, ўтказилган алоқалар асосида халқаро ташкилотлар билан тренинг ва дебатлар ўтказиш имкониятга эгадирлар.

Хорижий тилларни чуқур ва қунт билан ўрганиш, ҳозирда замон талабидир. Шу сабабли, чет тилларини чуқур ўрганиш гуруҳларида тиллар бўйича махсус машғулотларни малакали ўқитувчилар, АҚШ ва Франциядан ташриф буюрган домлалар, Жим Честер ва Мартин Депрелар олиб боришмоқда.

"Тарғибот-ташвиқот" гуруҳи эса аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантиришга йўналтирилган. Бу борада Тошкент шаҳрининг бир қанча мактаб, коллеж ва лицейлари, маҳаллалари билан шартномалар тузилган бўлиб, тарғибот ишлари янги замонавий усулларни қўллаган ҳолда амалга оширилмоқда.

Марказ келажакда ўз мақсад ва вазифаларини қуйидагича амалга оширишни режалаштирган: Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар элчихоналари билан ҳамкорликда талабаларнинг дунёвий билимларини жаҳон талаблари даражасида ўзлаштириш, чуқур сиёсий билимга эга бўлиш ва ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишида уларга имкониятларни яратиб бериш.

Бугуннинг долзарб муаммолари, таълим, сиёсат, ҳуқуқшунослик соҳасида юз бераётган янгиликлар, умуман, инсоният ҳаёти учун муҳим бўлган масалаларни ечиш, уларни таҳлил этиш, биз ёшларнинг асосий вазифамиздир. Албатта, янги ташкил топган ушбу марказ ютуқлари билан бирга ҳали ечимини топмаган муаммолар ҳам йўқ эмас. Марказга ҳуқуқий мавзудаги адабиётлар, халқаро ташкилотлар томонидан таъсис этилаётган қўлланмалар жуда зарур. Ўйлаймизки, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, ушбу муаммолар ҳам тез кунларда ўз ечимини топади.

Башорат ЗАРИПОВА,
ТДЮИ талабаси

ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Навоий вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва Навоий маданият ва санъат коллежи ҳамкорликда ташкил этган "Иқтидорли ёшлар билан ижодкорлар учрашуви" йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Тадбирга "Гулистон" журнали бош муҳаррирининг ўринбосари, ёзувчи Маҳмуд Бўронов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилояти бўлими раиси Камолиддин Юсупов, "Кармана ҳаёти" газетаси бош муҳаррири, шоир Одил Ҳотамовлар таклиф этилди.

Меҳмонлар ёшларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бериб, ўз асарларидан намуналар ўқиб бердилар. Ўз навбатида коллежнинг "Ёш ижодкорлар", "Ёш адабиётчилар", "Ёш томошабинлар" тўгараклари қатнашчилари ҳам иқтидорларини намойиш этиб, ташриф буюрганларни хушнуд этишди. Рустам Қувондиқов, Фахриддин Ҳакимовлар ижро этган дилбар қўшиқлар, Гулчирой Қодирова, Азиза Искандароваларнинг шеърий машқлари барчага оламолам ҳаяжон улашди. Айниқса, "Ёш томошабинлар" тўгарагининг ҳаваскор актёрлари томонидан ёзувчи Маҳмуд Бўроновнинг "Ғийбатаскоп" асаридан намойиш этилган парчалар бу даргоҳда иқтидорлар камол топаётганининг яна бир далили бўлди, десак хато бўлмас.

Мароқли учрашувни ташкил этишда коллежнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директори ўринбосари Фотима Ҳикматованинг хизмати катта бўлди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Навоий салтанати неча асрларки барқарор ва бардавом. Ушбу гўзал салтанат фуқаролари Сўздан терилган дуру жавоҳирлар саройларида яшашмоқда. Йиллар, асрлар ўтсада, қийматини, қимматини йўқотмай, билъакс, янада ошириб бораётган бу дуру жавоҳирларнинг ошиқлари карвонкарвон. Бугун улар сафининг олдинги қаторларида бораётганлардан бири — Ботирхон Акрам. Филология фанлари доктори, профессор, сўз санъатининг, ҳазрат Навоий ижодиётининг тарғиботчиси ва фидойисининг гурунги Сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Mehmonxona

Ботирхон АКРАМ:

МАЪРИФАТ — БЕБАҲО САОДАТМАНД БОЙЛИК

— Ҳазрат Навоийни нега севиб қолгансиз?

—Аввало, шунчалар ажойиб, бир-биридан масъулиятли, баъзан ўйга толдирадиган, анчайин мураккаб саволнома учун газетангиз таҳририятига миннатдорлик ва ташаккур билдираман ва маълум маънода ўз узр-маъзуримни арз қилиб ўтаман: сизга муносиб даражада жавоб қилишга тараддудланиб қолдим... Шунинг учун ҳазрат Навоий дунёси, беназир шахсияти — "хасби ҳоли", беистисно, ҳар биримиз учун бениҳоя азизу мукаррам, муборак Умид ва Армонлари ("Умидим улдурки ва хаёлимға андоғ келурки... Сўзум мартабаси авждин қуйи инмагай... Аъло даражадан ўзга баҳони (?..) бегонмагай!.."), ҳеч муболағасиз: бобмабоб, бандма-банд, ҳар гал ўзгача тартиб-сира, бошқача сайқал-оро, янгича талқини баҳо билан, махсус суҳбат-мақолотлар тарзида ўзининг шоён ва шоиста (муносиб) ифодасини — тажассумини топмоғи лозим... Аниқроғи, газетангиз саҳифаларида бера бошлаганингиз: "Навоийни англаш" туркум мақолалар орқали мана бугун қўйилаётган саволлар муаммосининг ечими — жавоблар мушкулоти ҳам бир қадар осон бўлиши мумкин...

Майли, бу сафар ҳам навмидликка йўл бермайлик: бақадри имкон, Сиз қўйган саволларга жавобимизни нисбатан мухтасар баён этмоққа уриниб кўрайлик.

Хоҳ бир нимарсага, хоҳ бир инсонга меҳр-муҳаббат боғлаш одамнинг истак-хоҳишига боғлиқ бўлмаган, том маънода мўъжизавий, тақдири илоҳий деб аталмиш бир ҳолдир. Алалхусус, ҳазрат Навоийдек дунёда тенги ва нисбати йўқ улуғ зотга меҳр-ихлос қўйиш фақат Аллоҳнинг амри-буйруғидир, деб ўйлайман... Бундай руҳий ҳолат — чинакам илоҳий туйғуни аввалу охир бир неча бор шахсан бошимдан кечирганман — "ўз вужудимга тафаккур айлаганман" (Навоий).

— Навоийни ўқиш, Навоийни ўқиш бугун юртимизда қай даражада?

— Албатта, Навоийни шунчаки ўқиш — бошқа, ўқиш эса тамомила бошқа дунё. Иккинчи ҳолатда, сиз Навоий сўзининг сеҳри — сир-синоати — нозик, теран, нуктадон маънолар: ажойибот, ғаройибот, мўъжизот мулки — мамлакатига сайр қиласиз. Мисол учун, биргина шоҳбайт келтириш кифоя: "Навоийнинг фиғон ўти куйдирди жаҳон аҳлини, Малойик хайлини ул ўтлуғ фиғондин асрағил, ёраб...". Шу тариқа, "Навоийни англаш" — шоир кашф этган "сўз гуҳари"нинг маъно-моҳиятини, яширин-сирли жиҳатларини идрок этиш (халқ тилида "мағзини чақиш"), мумтоз адабиётимиз мезони билан айтганда: "тааммул" қилиш, шубҳасиз, махсус тайёргарликни — фасоҳат қонунларини "илми балоғи", "илми саноеъ" (бадиий санъатлар) қоидаларини яхши билиш, ўзлаштиришни тақозо этади...

— Ҳазрат бобомиз ижоди билан янада яқинроқ танишишимиз, хусусан, ёшларнинг уни мутолаа қилишлари учун нималар қилиш шарт, деб ўйлайсиз?

— Ана энди қўйилган учинчи савол дуржи-сандиқчасига очқич топилгандай: Навоий ижоди билан мумкин қадар *яқинроқ танишиш* учун давомли-мунтазам мутолаа жараёнида тажрибада синалган усуллар: аввалига "кам-кам"дан — бора-бора зиёдроқ, нисбатан осон, оддий матндан аста-аста мураккаброқ (лоақал "қисқача луғат" ёрдамида) шеърларни, байт ё бандларни, достондан парчаларни босқичма-босқич ўрганиб, ўзлаштира бориш мумкин. Шунингдек, илғор, зиёли (ҳатто ҳунарманд) аждодлардан мерос бу: шеърларни, парчаларни, бобларни ёд олиш (бунинг учун махсус дафтар тутиш, луғат устида ишлаш) мумкин...

Шундан кейингина Навоий қўллаган (тўғрироғи, яратган) нисбатан оддий, тушуниш, ўзлаштириш осон бадиий санъатлар (масалан, ташбеҳ, тазод, таносуб, талмеҳ, ирсоли масал, сажъ-мусажжаъ, муболаға кабилар) шарҳи-таҳлилига ўтса бўлади... Хуллас, Навоий ижоди билан имкон қадар яхшироқ, *яқинроқ танишиш* доимий, такрорий изланишлар, машқларни, кузатишларни тақозо қилади, бунинг учун сабр-тоқат, ирода салоҳияти муваффақият гаровидир.

— Навоий шахси ҳақида баҳслар тўхтамаган: у нега уйланмаган, канизаклари бўлганми, йўқми, Навоий май ичганми ва ҳоказо. Барча ожиз бандалар каби Навоий шахсига қизиқиш ҳар биримизда мавжуд. Бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз? Умуман, ижодкор шахси ва ижоди ўртасидаги боғланишларни қандай мезонларда кўриш мумкин?

— Мазкур савол таркибида бир неча масала, ҳатто анчайин мушкул муаммолар ўзаро қўшилиб, чатишиб кетган: улардан бири — "Навоий нега уйланмаган?" саволи устида батафсил тўхталиш эҳтиёжи борки, бу борада, масалан, устоз навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов билан баҳс-мунозара қилиш мумкин, бунинг учун махсус мақола талаб этилади (бу масалага вақти келиб, балким қайтармиз).

— Фитрат Навоийни танқид қилган экан?..

— Абдурауф Фитратнинг Навоийга муносабати ҳам ўша, ўтган асрнинг 20-йиллари шароити билан боғлиқ сабабларга кўра, анча-мунча мураккаб жиҳатлари бор. Маълумки, адабий ҳафталикда биргина: "Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун, икки жаҳон демаки — жон бўлмасун" байти устида мунозара бўлиб ўтдики, бу хусусда бизнинг ҳам айтадиган гапларимиз бор. Кўряпсизми, бу савол ҳам алоҳида мақолани тақозо этади...

— Бугунги адабий жараён ҳақида фикрингиз.

— Мен бу саволга жавоб беришдан ўзимни тиймоқчиман, сабаби, менинг адабий ҳакамлик даъвойим йўқ. Билъакс, шунчаки умумий, жўнгина, бир ёқлама тамойилда (тенденсиоз характерда) муносабат билдиришнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман.

—Биринчи муаллимингиз, устозларингизни қандай эслайсиз?

— Бу саволингизга бажонудил марғуб жавоб айтишга тайёрман. (Яхшигина, ибратли, бесавоб-хайрли эсдаликларим бор).

1940 йили Ўш шаҳридаги етти йиллик мактабга 1-синфга борганман. Биринчи муаллимим Қўчқорбой ака Усмонов эдилар. У киши ҳозир ҳам ҳаёт, соғ-саломат юрсинлар.

Кейин Ўш педагогика билим юртида таҳсил олганман. У ердаги устозларимдан адабиёт ўқитувчиси Муҳаббат опа Абулфайзиевани доимо эслаб тураман. У кишининг отаси жадид бўлган, суронли йилларда қатағонга учраган. Тошкентга ўқишга келаётганимда Чўлпоннинг "Тонг сирлари" китобини берган. Уни яшириб, ҳеч кимга кўрсатмай ўқиб юрар эдим.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўқиганимда Ҳамид Сулаймон, Натан Маллаев, Мақсуд Шайхзода каби устозлардан сабоқ олганман.

Институтни тугатгач, маълум вақт Ўшда мактабда ишладим. Кейин Низомий номидаги ТДПИда аспирантурада таҳсил олдим. Номзодлик ишимга устоз Ҳамид Сулаймон раҳбарлик қилган.

Барча устозларимдан беадад миннатдорман.

— 1995 йили Низомий номидаги ТДПУда ўқиб юрганимизда бизга ёзган шеърларингиздан ўқиб берган эдингиз. Шеър ёзишга иштиёқингиз қачон туғилган?

— "Дағдаға" деган сўз бор. Уни биз ҳозир "дўқпўписа" маъносида тушунамиз. Мирзо Бобур "дағдаға"ни "илҳом" маъносида қўллаган.

Шеър дағдағаси менда аввалдан бор эди. Ўшда мактабда ишлаб юрган пайтларим эълон қилдирганман. Кейин адабий танқидчилик билан шуғуллана бошлагач, эълон қилмай қўйдим. Бироқ доим ёзиб турардим. 1998 йили илк бор «Ўзбекистон овози»да туркум шеърларим босилиб чиқди. Кейин "Ёзувчи" газетасида, "Шарқ юлдузи" журналида ҳам шеърларим, достондан парча босилиб чиқди.

— "Маърифат" муштарийлари — муаллимларга истакларингиз?

— Ниҳоят, газетангиз муштарийлари — муҳтарам устозлар муаллимларга, аввалгидек, тугал соғлиқ, омонлик, тоғдек бардош, сабр-матонат ва айниқса, том маънода миллий (бобомерос) ва умуминсоний маърифатдек бебаҳо саодатманд бойликни, олам-олам завқ-шавқни, марғуб маънодаги ифтихор-ғурурни, дунё хазиналарига бергувсиз туганмас давлатни тилайман: илло, ҳар бир солим (соғлом), яхши ниятли соҳиби, ёш тафовутидан қатъи назар, бу фоний дунёда билмаганларидан энг муҳими, зарурини билишдан — шахсан ўзини маъруф деб билишдан, ўрганишдан ор қилмаслиги керак, вассалом. (Шахсан ўзим, билишим ҳаводек зарур, вожиб бўлган, аммо, не ҳасратки, мудом билолмаганларим (!..)ҳадсиз-ҳисобсиз эканидан жудажуда хижолат тортаман, уялиб кетаман, изтироб чекаман, уйқуларим қочиб кетади...) Ал-қисса: шу ўй, шундай ҳис, кайфият билан яшаётганимиз, шу яхши кунларга етиб келганимиз учун Аллоҳга шукурлар айтамиз.

Ҳусан НИШОНОВ суҳбатлашди.

Yangi stadionning tantanali ochilishida homiy tashkilot kasaba uyushmasi tomonidan maktabning yosh sportchilariga sport anjomlari, futbol to'plari va setkalari topshirildi.

Tashabbus

МЕТАЛЛУРГЛАРНИНГ МАКТАБЛАРГА ТУҲФАСИ

Айни кунда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан баркамол этиб вояга етказиш борасида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг жойлардаги бўлимлари фаолияти тобора жонланиб бормоқда. Бугунги кунда республикамизда болалар спортини кўпроқ тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилаётган оммавий тадбирларнинг ишлаб чиқариш бирлашмалари, давлат корхона ва муассасалари томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам эътиборга моликдир.

Навоий тоғ-кон металлургия комбинати Қизилқум диёрида яшовчи аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш борасида қатор ибратли ишларни амалга ошириб келаётган йирик корхоналардан биридир. Яқиндагина комбинат мутасаддиларининг саъй-ҳаракатлари билан вилоятнинг энг чекка ҳудудлари бўлмиш Томди ва Конимех туманларида бир неча қишлоқ шифокорлик амбулаториялари "УАЗ" русумли "Тиббий хизмат" махсус машиналари билан таъминланган эди. Шу кунларда эса мазкур комбинатга қарашли Мурунтов карьеридан қазилма бойликларни топиш ва олиб чиқиш билан шуғулланувчи Автомобил транспорти бошқармаси ташаббуси билан Томди туманида мавжуд 34 та умумий ўрта таълим мактаблари учун замонавий стадионлар, спорт заллари ва майдончаларини барпо этиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

— Мактаблардаги спорт тадбирларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳомийлик ишларини бошлаганимизга энди бир йил бўлаяпти, — дейди Автомобил транспорти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Искандар Аблаев. — Мана бугун вилоятимизнинг энг чекка қишлоғи — "Бирлик" ширкат хўжалигининг Ўтемурод овулида жойлашган И.Алтинсарин номидаги 8-умумий ўрта таълим мактабида замонавий спорт зали ва стадион фойдаланишга топширилмоқда. Бу ерда салкам беш миллион сўмлик реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Бунга Қизилқум шароитида махсус автотранспорт воситаларини мазкур ишларга жалб этиш ҳаражатлари кирмайди. Яна шуни мамнуният билан айтишимиз мумкинки, шу кунларда тумандаги Бердақ номидаги 11-ўрта мактабда ҳам ана шундай ишлар поёнига етказилди. Мақсадимиз Томди туманидаги барча таълим муассасаларида давр талабига жавоб берувчи замонавий спорт заллари ва стадионлар барпо этиб, қишлоқ болаларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кўпроқ жалб этиш ишларига салмоқли ҳисса қўшишдир.

Янги стадионнинг тантанали очилишида ҳомий ташкилот касаба уюшмаси томонидан мактабнинг ёш спортчиларига спорт анжомлари, футбол тўплари ва сеткалари топширилди. Тадбир сўнгида эса мазкур мактаб ва Зарафшон шаҳридаги 4-мактабнинг ёш футболчилари ўртасида дўстона учрашув бўлиб ўтди.

Нурлан УСМОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ — ВАТАН ТИМСОЛИ

Tadbir

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонунларнинг Қашқадарё вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Йиғилишни қўмита раисининг ўринбосари О.Мусурмонова олиб борди.

Қашқадарё вилоятида бўлиб қайтган махсус ишчи гуруҳи хулосаларига кўра, вилоятдаги тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларида, қонунда кўзда тутилган ҳолатларда корхона, ташкилот, муассаса ва жамоат бирлашмаларида кўтариладиган байроқлар қонуннинг 4-моддасида белгиланган талабларга жавоб беради.

Вилоятдаги мавжуд давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан Давлат байроғига ҳурмат ва эҳтиром руҳини мустаҳкамлаш бўйича мунтазам ишлар олиб борилган.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига асосан, вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқарув маҳаллий идораларида, судлар ва ҳакамлик судлари, прокуратура мажлислари ўтказиладиган махсус хоналарда, туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинадиган хоналарда Давлат герби ўрнатилган.

Шунингдек, вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мухрлари ва иш қоғозларида давлат герби акс эттирилган.

Қарши шаҳридаги "Самарқанд", "Маҳаллот" маҳаллаларида вилоят "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ ва Қарши давлат университети ҳамкорлигида "Сиз қонунни биласизми?", "Давлат рамзлари муқаддас" мавзуларида аҳоли ўртасида давра суҳбати ва мулоқотлар ўтказилган.

Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабалари, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги 59 ўқув масканлари, 1083 умумий ўрта таълим мактаблари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилотлар, корхоналар, муассасаларда Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунлар ижросига, уларнинг аҳамияти, мазмун-моҳиятини ўқиб-ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўрганишлар вилоятда давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни ижро этиш борасида айрим камчиликлар ҳам борлигини кўрсатди. Давлат байроғи, Давлат герби, Давлат мадҳияси тўғрисида сўз кетганда жузъий камчиликларга умуман йўл қўйилмаслиги кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Хусан НИШОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Савол:

Тадбиркорлик билан шуғулланган мактаб топган маблағининг 20 фоизини туман халқ таълими бўлими ҳисобига ўтказади. Мактабнинг ишлатилмай турган айвони, биноси, саройи, қозонхонаси ижарага берилгудай бўлса ижара ҳақининг 50 фоизи молия бўлимига ўтказилади. Шу тўғрими?

АКБАРОВ М. Фарғона вилояти, Қува тумани.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 26 октябрдаги 10/1 сонли Ҳайъат мажлисида Тошкент шаҳар Юнусобод тумани халқ таълими бўлимининг таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш борасидаги фаолиятини кўриб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига тасарруфидаги ҳар бир таълим муассасаларида Юнусобод туманида жорий қилинган тажриба тадбиқ этилишида бевосита амалий ёрдам бериш кўрсатилган эди. Туман халқ таълими бўлими ва таълим-тарбия муассасалари орасидаги молиявий алоқалар, жумладан, ишланган маблағлардан ажратмалар муаммолари, улар ўртасида шартномавий алоқалар жорий этиш билан ҳал этиладиган бўлган. Шартномага асосан халқ таълими бўлими мутахассислари фақат назорат эмас, балки ҳужжатлар юритиш, таълим хизмати турларини тадбиқ этиш, тушаётган пулларни ҳисобга олиш, ишлатиш ва иш ташкил этиш жараёнига услубий ёрдам кўрсатиб, бу соҳадаги янги меъёрий ва бошқа ҳужжатларни ўз вақтида етказиб беради, таълим муассасаси эса сармоядан ташқари маблағларни ишлаш режаларини бажариш, фаолиятида янгиликлар жорий этиш, харажатларни меъёрларга риоя қилган ҳолда ишлатиш, ўз вақтида ҳисобот топширишни амалга оширади ҳамда туман маркетинг ва бошқа бўлимларга услубий хизмат учун ишлаб топилган маблағнинг 15 фоизини туман халқ таълими бўлими ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Ижарага бериш масаласида мактаб маъмурияти ўз хоҳишига қараб иш кўриши керак. Мактаб ишлатилмай турган айвони, биноси ёки бошқаларни ижарага бермаслиги ҳам мумкин.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

Байрамингиз муборак азиз устозлар!

ҲАМКОРЛИКДА 13 ЛОЙИҲА

Ҳар бир давлатнинг ўз тарихи, тили, дини, урф-одатлари бўлгани каби унинг миллий байрамлари ҳам бўлади. Миллий байрамлар мамлакатнинг тарихи, маданияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги миллий байрами — Подшоҳлик ташкил топганининг 71 йиллиги муносабати билан мазкур давлатнинг мамлакатимиздаги элчихонасида маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлди.

Ҳозирги пайтда ушбу мамлакат аҳолиси 20 миллиондан ортиқ. Аҳолининг саводхонлик даражаси 70 йил илгари 3 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб 97 фоизга етди.

Тарихи мобайнида бу давлат бирор марта ҳам мустамлака бўлган эмас. Халқи ўзининг ўтмиши, ҳозири ва келажагига, авлодларига катта аҳамият бериб келади.

Йиллик бюджет 60 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бу давлатда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кўплаб йирик корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз маҳсулотларини Европа давлатларига экспорт қилади.

Тадбирда Саудия Арабистонининг мамлакатимиздаги муваққат ишлари вакили Абдулраҳмон Абанмай миллий байрам ва унинг тарихи, икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқалар ривожланаётгани, хусусан, қишлоқ хўжалиги, саноат соҳасидаги корхоналарни кўпайтириш каби 13 та лойиҳа устида иш олиб борилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, анжуманда мамлакатимиз ҳам аъзо бўлган Ислом тараққиёт банкининг йиғилиши 29 сентябрь — 2 октябрь кунлари пойтахтимизда ўтказилиши маълум қилинди.

Замон ЭШОНҚУЛОВ

ХОТИРАДА ЖОНЛАНАР БУ КУН

Ўқув йили бошланиши билан институт ва университет талабалигига қабул қилинган ёшларни ҳаётидаги қувончли воқеа билан табриклаш анъанавий тус олган. Бу талабаликка қабул маросимидир.

Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтган ана шундай тадбир 1-курс талабалари қалбида фахр-ифтихор ҳиссини уйғотган бўлса, ажаб эмас. Зеро, бу кун улар хотирасида вақти-вақти билан жонланиб туриши ҳам табиий. Бу йил университетга 900 нафардан зиёд йигит-қизлар қабул қилинди.

Университет ректори С.Қосимовнинг самимийлик руҳи билан йўғрилган табрик сўзи шу даргоҳда илк ўқув йилини бошлаётган талабаларнинг кайфиятини кўтариб юборган бўлса, неажаб. Бошловчилардан бирининг:

Tadbir

"Мана шу муқаддас билим даргоҳи бугундан бошлаб сиз азиз талабалар учун Ватан ичра Ватандир" деган сўзлари жаранглаганида, бунинг таъсир доираси қанчалик эканлиги гулдурос қарсаклардан ҳам сезилди.

Университет раҳбарияти — бир неча проректорлар, факультет деканлари ҳам ушбу тадбирга таклиф қилинишган эди. Улар 1-курс талабаларига бирма-бир таништирилди.

Университетнинг икки магистранти — Эркин Қосимов, Дониёр Расуловларнинг ҳаётида қувонишга арзигулик воқеа содир бўлди. Дониёр Расулов ахборот технологиялари йўналиши бўйича Президент стипендиясига сазовор бўлди. Эркин эса шу йил 9-18 октябрда Женевада бўлиб ўтадиган "Ахборот ҳамдўстлиги" номи остидаги халқаро ёшлар анжуманига бориш бахтига муяссар бўлди. Ана шу муносабат билан ҳар икки магистрантни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари Хуршид Мирзоҳидов табриклади ва барча талабаларни улардан ўрнак олишга ундади.

МУХБИРИМИЗ

Abdulla Avloniy "Turkiy guliston yoxud axloq" kitobida bolaga etkazilgan ma'naviy zarar oilaga, qolaversa, jamiyatga etkazilgan zarardir, deydi.

Mulohaza

ОТА КАМАРИ:

У ТАРБИЯДА САМАРА БЕРАДИМИ?

Инсон учун дунёда фарзанди камолини кўришдан буюк орзу бўлмаса керак. Фарзанд — ниҳол. Уни эҳтиётсизлик билан эгиб, синдириб қўйиш мумкин. Афсуски, биз ота-оналар баъзан буни унутиб қўямиз.

Елкалари кенг, бақувват, баланд бўйли йигит 8-9 ёшлар чамасидаги болакай билан турарди. Бола қалтираганича отасининг қўлидаги камардан кўз узмасди. Отаси ўғли стол четида турган катта чинни чойнакни бехосдан тушириб юбориб, синдиргани учун жазолаётганди. Жазолаганда ҳам анчагача унутмайдиган қилиб жазолади. Болакай бундай "жазо"ларнинг қанчасини кўрмади, дейсиз. Мурғаккина қалб бир умрга мана шу жазони унутадимикан? Умуман, агар она стол четига чойнакни қўймаганида болакай уни синдирмасди. Муҳтарам ўқувчиларимиз ўйлаётгандир, бу отанинг қаҳри қаттиқ, бемеҳр экан, деб. У пойтахтдаги катта заводларнинг бирида бош муҳандис бўлиб ишлайди. Ундан нима учун ўғлингизга ёмон муносабатда бўласиз, деб сўрадим.

— Мен ўғлимга ёмон муносабатда бўлибманми, ўйлаб гапиряпсизми? Ўғлимни яхши кўраман. Лекин унинг бефаросат бўлиб улғайишини истамайман. Фаросатли бўлиши учун уй анжомларининг қадрига етиши керак. Ахир, улар озмунча пулга келганми?

Отанинг яна шундай тушунчалари мавжудки, "болани тез-тез уриб туриш керак, шундагина у ота-онасини ҳурмат қиладиган, саранжом-сариштали, одобли-ҳушли бўлиб улғаяди". Бу отага мана шу одат "ота мерос" экан.

Кўп йиллик ўқитувчилик фаолиятим давомида мен бундай жазо усулларидан фойдаланаётган ота-оналар ва ўқитувчиларни кўрганман.

Эсимда, 1987 йил олий ўқув юртини тугатиб, йўлланма билан Қумқўрғон туманидаги қишлоқ мактабларининг бирига ишга бордим. Ўшанда бир ўқитувчининг айтган фикрлари ҳозиргача сира ёдимдан чиқмайди. "Мен ўқувчиларим гапга кирмаса, уй вазифасини тайёрлаб келмаса қандай ўқувчи бўлишидан қатъи назар, ёмон баҳо билан жазолайман. Уларга қўл кўтариб бўлмайди. Ишдан кетишинг, ҳаттоки судланишинг ҳам мумкин. Лекин уйда ўғлимни тез-тез камарим билан уриб тураман".

Орадан анча йиллар ўтди. Ўша ҳамкасбимнинг ўғли олий даргоҳни битиряпти. Бир куни машғулотлардан сўнг у ёнимга келиб, "Домла, хабарингиз бор, болалигимда отам мени айб қилсам, қилмасам камари билан савалаб турарди. У киши онамнинг ёлворишларига ҳам қулоқ солмай, ҳатто юқори синфда ўқиб юрган кезларимда ҳам мени уришни қўймади. Камар азобидан қанчалик қийналганимни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмасди. Ўтган йил мени уйлантиришди. Яқинда ота ҳам бўлдим. Лекин домлажон, юрагим жуда ғаш. Отам бир куни онамга "набирамни ўзим ҳақиқий йигит қилиб тарбиялайман, ҳеч қайсинг менинг ишимга аралашмайсан, деб қолди. Наҳотки, мен кўрган азоб-уқубатни отам энди неварасига ҳам раво кўрса?!"

Мен эртаси куни собиқ ҳамкасбимга мактуб битдим... Баъзан шундай воқеалар бўладики, эшитиб ҳайрон қоласан. Она ишдан келиб қичқира кетади. "Падар лаънати, уйинг куйгур, ишдан чарчаб келиб, дам олай десам қўймайсан, ҳайвон, нервимга ўйнайсан. Нима, мени гўрга тиқмоқчимисан?" Она отанинг қаердандир камарини топиб олиб фарзандини савалай кетади.

Ачинарлиси шундаки, баъзи ота-оналар ҳатто ўз қизларини ҳам тез-тез камар билан "сийлаб" туришар экан. Қиз болага ота қўл кўтарса ўша қиз бахтсиз бўлади, деган гап бор. Мен 2000 йили пойтахтнинг Ҳамза туманидаги 153-мактабда рус синфларига ўзбек тилидан дарс бергандим. Ўшанда Таня К. исмли ақлли, зийрак, билимли, одоб-ахлоқли қиз ўқирди. Таня ўзбек тилини шунчалик мукаммал эгаллаган эдики, у бемалол Алишер Навоий, Муқимий, Нодирабегим каби мумтоз шоирларимизнинг ғазалларини ва замонавий шоирларимиз шеърларини ўта маҳорат билан ёддан айтиб берарди. Ўқув йили якунланай деб қолган паллаларда Таня тез-тез дарс қолдирадиган бўлди. Бир куни Таняларникига кириб ўтишга қарор қилдим. Унинг ота-онаси яхшигина "тарбиячи" бўлиб чиқди. Отаси менга чой қуйиб узатаркан: "Ўзингизга маълум, қизимизнинг ўқишидан доимо хабар олиб турамиз. Театр, концерт, циркка олиб борамиз. Лекин у нимагадир шу кунлари одамови бўлиб қолди...", — деди

— Дадаси тўғри айтаяпти, мана, кеча ҳам уни камар билан роса савалади, — мақтаниброқ гапирди онаси.

— Нега? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Уйга кеч келадиган бўлиб қолди. Кеча бир нотаниш йигит кузатиб келибди. Ахир, ҳозирдан шундай юришларининг олдини олмасак, эртага у юзимизни ерга қаратиши мумкин, — деди отаси ғазабини яширмай.

Қиз бола гул япроғи, ўйланмай қилинган муносабат унинг тўкилишига олиб келади. Оқибати эса аянчли бўлади.

Мен талабаларнинг ҳаётини ўрганиш мақсадида улардан қуйидаги саволга жавоб олдим. "Ота-онангиз ёшлигингизда сизга қандай муносабатда бўлишган?". Натижалар қуйидагича:

100 нафар талабадан 40 нафари доимо бўлар-бўлмасга ота мушти ёки камаридан "баҳраманд" бўлиб турган. 21 нафар талаба ота-онасидан гарчанд "тан жароҳати" олмаган бўлсада, аммо сўкиш, ҳақорат эшитишни "ёмон ишлари" учун канда қилишмаган. 30 нафар талаба ота-онасидан уларнинг яхши муомалалари учун умрбод миннатдор эканлар. Қолган 9 нафар талаба ота-онасининг "буйруғи" ҳамда "талаби" билан ўз акалари ёки опалари томонидан тез-тез калтакланган.

Шу ўринда битта савол туғилади: хўш, болаларнинг ота-онаси томонидан жазоланишида биз ўқитувчиларнинг айбимиз йўқми? Ўқувчининг кундалик дафтарига бўлар-бўлмасга қониқарсиз хулқ ёзиш ёки арзимаган айби учун ота-оналарни мактабга чақиравериш шартмикан? Фарзанд — оила меваси. Унинг яхши пишиб етилишида оила боғбонлари — ота-онанинг ўрни катта. Уни куртаклигида бехосдан синдириб қўйсангиз, сўнг...

Фарзандни ота-боболаримиз белбоққа, камарга тенглаштиради. Бу пуштикамарингиз вақти келиб белингизга куч, кўзингизга нур бўлишини унутманг. Афсуски, болаларни "жазолаш" мавзуси ҳақида радио, телевидение, матбуотда деярли чиқишлар йўқ. Олимларимиз бу мавзуда кўзга кўринарли ишлар қилган, деб айта олмаймиз.

Ўзбек педагогикасининг асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг "Рисолаи асбоби савод" (1904 йил) ва "Китобатул афтол" (1909 йил) рисолаларида болага берилган яхши тарбия халқ учун, жамият ва юрт фаровонлиги учун замин яратишдир, деса, Абдулла Авлоний "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" китобида болага етказилган маънавий зарар оилага, қолаверса, жамиятга етказилган зарардир, дейди.

Шундай экан, бизнинг келажагимиз, ифтихоримиз бўлган болаларимизни авайлайлик.

Иброҳим ТУРСУНОВ,
Тошкент давлат аграр университети ўқитувчиси

«АКАДЕМИЯ» ЯРАТАЁТГАН АЁЛ

Инсон камолотида устоз, у берган ўгитларнинг ўрни алоҳида. Ҳар бир ўғил-қиз ана шу мўътабар зотнинг берган таълим-тарбияси орқали етуклик шоҳсупасига келажак манзили сари одим ташлайди. Шу боис, ҳар бир мураббийга халқимизда ҳурмат-эҳтиром ўзгача. Зотан, унинг бошлаган йўлидан бахт-иқболга етишган шогирдлари бисёр. Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. Юртимиз келажагини ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўришдир. Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли қўшимча таълим мажмуаси раҳбари Гулираъно Абдураззоқова 1997 йилдан буён ўз қарашлари, изланишлари асосида янгидан-янги ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаб, мазкур мажмуага тўплаб, шаҳар миқёсидаги катта-катта тадбирларга, концертларга чиқармоқда. Мажмуа томонидан касб-ҳунарга ўргатилаётган болалар орасида иқтидорлилари анчагина. Шунинг учун мазкур муассаса жамоасининг узоқ йиллик бой тажрибасини амалга ошириш мақсадида Гулираъно Абдураззоқова томонидан "Болалар ижодиёти академияси" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Кўп йиллик тажриба заҳирасига таяниб яратилган бу лойиҳа тез орада республика Халқ таълими вазирлиги мутахассислари томонидан қўллаб-қувватланди. Ушбу лойиҳада ҳозирги куннинг талабига жавоб берадиган чинакам зиёли болаларни кўплаб етиштириш кўзда тутилган. Бинобарин, кичик академия аъзоси янгича билимларнинг ҳаммасини ўзлаштира олади, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллайди. Шунингдек, инсон руҳияти борасида ҳам билим-кўникмаларига эга бўлади ва келажагимизнинг улкан яратувчиларига айланишади.

Осмони мусаффо юртнинг ҳар бир куни байрам. Зеро, юрти тинч халққа байрамлар яраша ди. Мана шу байрамлардан бири куни кеча Мирзо Улуғбек тумани қўшимча таълим мажмуасида бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир янги лойиҳанинг ижобий қабул қилинганлигига бағишланди. Ўзбекистоннинг 12 йиллик мучал тўйи муносабати билан Г.Абдураззоқовага самарали меҳнатлари учун фахрий ёрлиқ берилган эди. Халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев фахрий ёрлиқни топширар экан "Болалар ҳаётимизнинг гули, умримизнинг яшнаб туриши ана шу гулларни асраб-авайлаб, меҳр билан парваришлашимизга боғлиқ ва бу борада самарали хизмат қилаётган мураббийларимиз бундан-да юксакроқ мукофотларга лойиқ", деди.

— Болаларни келажакка тайёрлаш, уларни Ватан тараққиётига ҳисса қўшадиган қилиб тарбиялаш учун болалар ижодиёти академияси катта ютуқларга эришади, ўйлайманки, бу даргоҳ келажакда ҳақиқий маънодаги ижодиёт академиясига айланади, — дейди Гулираъно опа.

Ш.АСРАНОВА,
Мирзо Улуғбек тумани қўшимча таълим мажмуаси бўлими бошлиғи

Ekologiya

ТУПРОҚ — ТАБИАТ ТАГЗАМИНИ

Бизни ташқи ва ички муҳит ўраб туради. Тупроқ эса ташқи муҳитнинг асосий бир бўлагидир. Бутун тирикчилик тупроқ билан бевосита боғланган. Одам ва ҳайвонларнинг саломатлиги тупроқнинг санитария ҳолатига боғлиқдир.

Тупроқ юзасида пайдо бўладиган ўзгаришлар фақатгина табиатга боғлиқ бўлмай, бу ўзгаришларга инсониятнинг ҳам катта таъсири бўлади. Ҳозирда тупроқ қопламасининг ўзгариб кетиши асосан турар жойларда яққол кўринмоқда. Техника тараққиёти эса ернинг рельефини ўзгартириб юбормоқда. Баъзи бир жойлар чуқурлашиб, айрим ерлари эса баланд тепаликларга айланмоқда. Тупроқнинг таркибида жуда кўп жониворлар мавжуд бўлиб, улар орасидаги энг муҳими — микроорганизмлардир. Тупроқ юзасида микроорганизмлар қуёшнинг ультрабинафша нурлари таъсирида қирилса, 50-10 см чуқурликда улар тупроқ микробларини овқат, намлик ва ҳаво билан таъминлайди.

Ҳозирги даврда фан ва техника ривожланаётган бир даврда жуда кўп миқдорда тупроққа чиқиндилар тушмоқдаки, натижада тупроқнинг таркиби бузилмоқда, бу одамларнинг соғлигига путур етказмоқда. Демак, тупроқни чиқиндилардан сақлаш инсон саломатлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Нилуфар САМАТОВА,
Янгиқўрғон туманидаги 33-ўрта мактаб ўқувчиси

Hozirgi zamon darsi zamonaviy bilim asoslari va texnika vositalari asosida tashkil qilinadigan teatrlashtirilgan dars bo'lmog'i lozim. 45 minutlik dars jarayonida o'qituvchidan 45 hunar, 45 mahorat, 45 qobiliyat va iste'dod talab qilinadi. Mo'jiza misqollab yig'iladi.

Odamlar taqdirini hal qilishda, ularning orzu-umidlari ro'yobga chiqishida rahbarning o'rni va ta'siri beqiyos. Hayotimizda rahbarning mas'uliyati, fidoiyligi, insoniy fazilatlari muhim ahamiyatga ega.

1-oktabr — O'qituvchilar va murabbiylar kuni Umumxalq bayrami oldidan

Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Ана шу бир марталик умрнинг ҳар қадамини эзгуликка бағишлаш, ибратли босиб ўтиш осон эмас. Биз бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган Абдураҳим ака Ахмедов ана шундай ибратли умр соҳибларидан биридир. У кишини нафақат Гурландаги, вилоятда, балки республиканинг барча жойида ҳурмат қилишади, меҳмонга борса қучоқ очиб кутиб олишади, эъзозлаб тўрга ўтказишади. Нега? Абдураҳим ака яхши ўқитувчи, инсофли илмий мудир, виждонли, фидоий директор бўлди. Унинг асосий фазилати ҳам, яшашдан мақсади ҳам ҳаллоллик, инсонийлик. У инсон на бойликка, на давлатга ихлос қўйди, на юксак мартабаларга интилди. Оддий кийинди, оддий яшади. Бутун меҳри, қобилияти, қалб кўрини касбига, ёш авлод тарбиясига бағишлади.

"ЭЛГА ҚЎШИЛҒОН ЭШ ТОПТИ..."

БОЛАЛИГИМ ШУНДАЙ ЎТГАНДИ...

Абдураҳим аканинг болалик йиллари ҳам ўша давр болаларининги каби оддий, оғир меҳнатларда тобланиб ўтди. Балки Абдураҳим ака характеридаги қатъийлик, талабчанлик, бир сўзлилик фазилатлари болаликдан меҳнатда чиниққанлиги, рўзғор ташвишларини эрта елкага олганлигидандир. Устознинг болалик хотиралари билан танишар экансан, "қатағон бўронлари" бу элнинг зукко ўғлони қалбида ҳам жароҳатлар қолдирганига ачинасан киши. Абдураҳим Ахмедов 1933 йил Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилди. 1937 йил отаси Ахмад Машарипов "халқ душмани" сифатида қамалиб кетганда оилада кичкина Абдураҳим, онаси ва ёши иккига етмаган синглиси қолганди. Унинг отаси ҳам, онаси ҳам оддий колхозчи бўлган. У даврларда колхозда иш оғир, Абдураҳим қўлидан келганча онасига кўмаклашарди. Оғир жисмоний меҳнат, иқтисодий етишмовчилик онасини ҳасталикка дучор қилиб қўйди. Она ишонган-суянгани Абдураҳимга шундай васият қилди: "Ўғлим, Аллоҳ таоло сенга бахт, узоқ умр ато этган бўлсин. Сен отанг чироғини ёқиб, дўст-душманларнинг орасида ҳаётда ўрнингни топиб кетгайсан. Синглингни ранжитма. Унга меҳрибон бўл. Мен сизлар катта бўлсанглар худо йўлига бир қўй садақа қиламан дегандим, шу садақани бериш менга насиб этмаса, қучинг етган маҳалда ўзинг ижобат айла. Токи менга қиёмат қарзи бўлиб қолмасин".

Муштипар она шундан сўнг кўп ўтмасдан 1944 йилнинг июль ойида 30 ёшида оламдан ўтди. Унинг дафн маросими ҳам камтарона ўтказилди. Кафанликка, ишлатилиб турган эски пашшахона асқотди. Нон ёпиш учун кичкинагина даладаги энди пишиб келаётган бўғдойнинг бошоқларидан саралаб териб олиниб, ун қилинди. Энди бу етимчаларга бувиси (онасининг онаси) гамхўрлик қила бошлади. Ёши етмишларга яқинлашиб қолган онахонни фронтда ҳалок бўлган ўғли ва қизи (А.Ахмедов онаси)нинг бевақт ўлими ва оила ташвишлари жуда қийнарди.

Уруш бошланиши арафасида қўчирилб келинган поляклар 1945 йилда ўз ватанларига кайтарилди. Шунда бир поляк оиласи раҳмдиллик қилиб 1 та эшагини бу хонадонга қолдириб кетди. Энди Абдураҳим шу эшак ёрдамида ёзда молга емиш, қишда Амударё ёқасидаги тўқайзордан ўтин ташиб, оила эҳтиёжига ишлатиб, бир қисмини бозорга чиқариб сотиб, тиричкилик қилди. Кейинчалик бувиси ҳам, синглиси ҳам оламдан ўтди. Абдураҳим мана шундай шароитларда абитуриентлар ётоқхонасига жойлашди. Шу ётоқхонада хоразмлик, аниқроғи, хонқалик уч йигит — Олим Бобожонов, Мамат Раҳмонов ва Машариф Мавлоновлар ҳам бор экан. А.Ахмедов улар билан танишиб, дўстлашди, кириш имтиҳонларини бирга топшириб, Абдураҳим физика-математика, дўстлари ҳуқуқшуносликка факультетига топшириди, лик факультетига кириб ўқий бошлашди. Орадан бир неча ой ўттач, Абдураҳимга стипендиядан бошқа моддий ёрдам бўлмагач, иқтисодий жиҳатдан қийналганидан ўқишини ташлаб, Гурланга қайтмоқчи бўлди ва бу ҳақда анча зийрак бўлганги учун Олим Бобожоновга айтди. Олим Бобожонов унга тасалли берди, ўқишини ташлаб кетмасликни, агар ташлаб кетса, яна ўқишга кириш имконияти бўлмаслигини тушунтирди. Шу дўстона маслаҳатдан кейин А.Ахмедов ўқишини давом эттира бошлади. Урушда қатнашиб, ярадор бўлиб университетга ўқишга кирган 4-курсда ўқийдиган 3 нафар катта ёшдаги талабалар шу ётоқхонада турар экан. Улар Абдураҳимнинг ахволини эшитишган, сезибми, меҳрибонлик қилиб, хоналарига тез-тез таклиф қила бошладилар. А.Ахмедов уларнинг ёшини, ногиронлигини ҳисобга олиб, чой, овқат қилиш, дўкон ва бозорларга тушиб, харажатларини қилиб бериш каби юмушларини бажара бошлади. Шу тариқа Абдураҳим уларнинг даврасига қўшилиб, икки йил улар ҳисобига овқатланиб юрди ва стипендиясини тежаш ҳисобига кейинги йилларда бироз пул ҳам жамғариб, олий дарғоҳни битиришга муяссар бўлди.

"Минглаб юраклар эзгулик ургуғини экі". Абдураҳим аканинг шиори бу. Зеро, унинг "Абдураҳим ҳам онаси орзу қилган яхши инсон бўлишга интилди.

ЯХШИ ОДАМЛАР КЎМАГИДА...

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ, Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиқ.
Бобур

Ота ва онадан етим қолган Абдураҳим 10-синфни тугатиб, 1950 йилда таваккал қилиб Тошкентга ўқишга борди. Хужжатларини ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети (илгари САГУ)нинг физика-математика факультетига топшириди, бирон-бир ишга тиқилиб, ишсиз қолмасин деган ниятда Ахмедов" бўлиб элга танилишида яхшилар кўмаги, бир оғиз яхши сўз қандайлигининг гувоҳи бўлдингиз. Шунинг учун ҳам донишмандлар айтадиларда: "Яхшилик қил, яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма".

БИРИНЧИ ДАРС. . . БИРИНЧИ ҚАДАМ

Илк бор ўқитувчи деган шарафли номга эга бўлганнинг, биринчи дарсинг, биринчи ўқувчиларинг бир умр хотирангда муҳрланиб колади.

Абдураҳим ака биринчи марта физика-математика ўқитувчиси сифатида 1955 йилнинг сентябрида Гурлан туманидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги мактабга ишга тайинланди. Изланувчан, ташаббускор, бир сўзли ёш ўқитувчидаги касбга меҳр, истеъдод тезда назарга тушди. Иш фаолиятини бошлаганидан бир ярим йилча вақт ўтгач, у мактабнинг илмий бўлим мудири вазифасига тайинланди. Бу вазифа Абдураҳимдаги яна бир қобилият — раҳбарлик, ташкилотчилигини ҳам намоён қилди. Уни 1960 йил январида туман "Ўқувчилар ижодиёт маркази"га директорлик вазифасига ўтказишди. Бу ташкилотда ҳам ёш раҳбар жамоа билан тезда тил топиб кетди. Ҳар бир тадбир, машғулот режа асосида, мазмунли ўтишига эътиборини кучайтирди. Энди А.Ахмедовни 1961 йилнинг августида туман халқ таълими бўлими инспектори вазифасига тайинлашди. Бу вазифада 2 йил ишлагач, уни Макаренко номидаги мактабга ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари қилиб тайинлашди.

ҚАДРДОН ЖАМОА КУЧОҒИДА...

Юқорида айтганимиздек, Абдураҳим ака биринчи марта ўқитувчи бўлиб Бобур номидаги мактабга қадам қўйди. Нафақат биринчи фарзанд қувончлари, ишдаги ютуқ ва муаммолар, биринчи невара ҳаяжонлари, сочдаги биринчи оқ тола, биринчи ажин... умр отлиг карвоннинг барча қувончу изтиробларига шу жамоа шерик. Шуниси ҳавас қилгулликки, бу мактабда ўқиган ҳар бир ўқувчи, ишлаган ҳар бир ўқитувчи "Абдураҳим ака ишлаган даврлар" дея фахр билан тилга олади, устознинг ибратли бирор ишидан ҳикоя қилади. У 1965 йил сентябрда Бобур номидаги мактабга директор қилиб тайинланди. У билан узоқ йиллар ишлаган, ҳозир нафақада фарзандлар ардоғида яшаётган, бошланғич таълим муаллимаси Розия опа Ўразалиева шундай хотирлайди: "Абдураҳимнинг қилган ишлари, унинг билимини айтишга тил ожиз. У ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ўта талабчан, ҳамма нарсага эътиборли эди. У вақтларда жисмоний тарбия дарсларини ҳам бошланғич синф ўқитувчилари ўзлари ўқитарди. Мен, Сунажон, Нурия (иккаласининг ҳам жойлари ғаннатда бўлсин) бошланғич синф ўқитувчилари эдик. Бир куни учаламизнинг ҳам дарс жадвалимизда жисмоний тарбия фани ўтилиши кўрсатилган экан. Нурия: "Юринглар, болаларни ўйинга юбориб, сухбатлашиб ўтирамиз," деди. Шу пайт Абдураҳим Нуриянинг дарсини кузатишга чиқди. Нурия шундай чиройли дарс ўтдики... роса қулишдик. Абдураҳим ҳеч нарсага иккинчи даражали деб қарамас, ҳеч кимни бўш қолдирмасди".

"ЁШУЛЛИ" — ЁШИ УЛУҒ ДЕГАНИ

Одамлар тақдирини ҳал қилишда, уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишида раҳбарнинг ўрни ва таъсири беқиёс. Ҳаётимизда раҳбарнинг масъулияти, фидоийлиги, инсоний фазилатлари муҳим аҳамиятга эга. Ўрматли Юртбошимиз хоразмча "Ёшулли" сўзини шундай изоҳлайди: "Ёшулли" — ёши улуғ дегани. Ёшулли деган эҳтиромга сазовор бўлган одам шу номга муносиб бўлишга интилади, ўзида катта масъулият сезиб яшайди. Чинакам ёшулли бўлмокни орзу қиладиган ҳар бир раҳбар адолат, қатъият, фидоийлик, билимдонлик, ташкилотчилик мезонларига амал қилиб яшаши ва ишлаши зарур".

Йигирма саккиз йил бир жамоага раҳбарлик қилган Абдураҳим Ахмедовда эса бу фазилатларнинг ҳамаси мужассам эди.

1965 йил. Биринчи марта туманда икки қаватли марказий иситиш системасига эга бино қурилиши Бобур номидаги мактаб учун эди. Туман раҳбарлари бу мактабга Абдураҳим Ахмедовни директор қилиб тайинлаб янглишмаганди. Чунки бу фидойи инсон 28 йил давомида ушбу мактаб довруғини республикага танитди.

Мактаб лойиҳага кўра, 536 ўринли эди. Аммо мактабда 1200 дан ортиқ ўқувчи тахсил олишига тўғри келган. Машғулотлар катта қийинчиликлар билан икки сменада олиб бориларди. Тез орада ўқувчилар сони ортиб борди. Ниҳоят янги лойиҳа бошланиб, 1970 йилда мактабнинг асосий биносига қўшимча қилиб, 320 ўринли 2 қаватли бино қуриб битказилди. Лекин мактабда ўқувчилар сони бир ярим мингдан ҳам ошиб кетди. Яна қўшимча қурилиш учун ҳужжатлар тайёрлашга киришилди. 1981 йил яна 320 ўринли бино ва аввалги 9Х12м спорт залидан ташқари, 12Х24 м.лик спорт зали қурилди. Энди аввалги 536 ўқувчи ўринга эга мактаб 320 ўринлик қўшимча бинолар қурилгач, 1176 ўқувчи машғулот ўтказадиган мактабга айланди. Мактаб ошхонасига қўшимча бино қуриб кенгайтирилишига қарамасдан у замон талабига жавоб бермас эди. Шу боисдан 260 ўринли ошхона, мусиқа хонаси ва мажлислар зали қурилиши бошланмасдан қолиб кетди. Бу ишларни амалга оширишда устоз қанча югур-югур, уйқусиз тунлар, ҳаловатсиз кунларни бошдан ўтказдийкин?

ЭЛ АРДОҒИДА

Ҳазрат Навоий бобомизнинг "Элга қўшилган эш топти" деган сўзлари Абдураҳим акага қарата айтилгандек. Бу инсон кечаю кундуз тиним билмади, ҳалол ишлади, ҳар бир ўқувчи, ўқитувчи дилига эзгулик уруғини экди, ҳалол яшади.

Бугун эл, каттаю кичиклнинг эъзозида. Зеро, элни ардоқлаганни эл ҳам ардоқлагай.

Нигора АБДУРАҲИМОВА,
Хоразм вилоят Гурлан туманидаги 4-мактабнинг олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

ОРЗУЛАР ЙЎЛИДА

У ўқитувчи бўлишни орзу қилмас эди. Кўп болалар қатори у ҳам кинони севар, актёр бўлишга қизиқар, мактабда ўқязиладиган байрам тадбирларида нукул "Шум бола"ни ўйнаб берарди. Эх-ҳей, дунё кенг, осмон беғубор, сувлар зилол, дарахтлар улкан эди у дамлар. Кейин, юқори синфга ўтгач, Қодир Курбонов дарсга кириб-ю,унинг фикрлари тўзғиб кетди. "Муаллим бўламан, ок қўйлак кияман, қора галстук тақаман, ҳаммага дарс бераман", дер эди у тенгдошларига. Орадан сал ўтмай тоғаси Рустам Тўраев бин ганаи янгаси Курбоной Турсунова ҳам институтни тугаллашиб, муаллим бўлиб келишди. Ўқитувчи бўлиш энди унинг қатъи орзусига айланди.

— Йўлдош, сендан катта одам чиқади, — деди қариндошларидан бири у етуклик шаҳодатномасини олган куни. — Қара, нукул беш, сен тарихни ўқишинг керак.

У хужжатларини Бухоро давлат педагогика институтининг тарих факультетига топшириб. Бўлмади. Конкурсдан ўтолмади. Отаси Содиқ бобо онасиз ўсаётган ўғлининг кўнглини асло чўктиргиси келмас эди, лекин суяги деҳқончиликда қотган одам нима ҳам қила оларди, юргуди-елди, натижа бўлмади.

У ориятли йигитлардан эди, бир ҳафта уйидан чиқмади. Чиққан куни эшитган гапи шу бўлди:

— Сенга ким қўйибди ўқишни. Сенинг ўқишинг далада, полвон. Колхозчининг ўғли колхозчи бўлади-да.

Бу гаплар, бу фикрлар ўша замонга, ўша муҳитга хос эди.

"Ўқиш қанақа бўлишини сенларга ҳали кўрсатаман, шундай ўқийки, ҳамманнинг оғзинг очилсин!". У устози Қодир Курбоновдан топшириқ олиб, ой ёруғида тупроқли йўлдан уйига қайтар экан, ўзига ўсмирларга хос қатъият билан шундай ахд қилган эди.

Йил, ўн икки ой тайёрланди, шундай тайёрландики, институтга кирди, талаба бўлди, шундай ўқидики, биология факультетини имтиёзли диплом билан тугатди. Институтда қолдирмоқчи бўлганларида рози бўлмади. Қишлоғига, Олот туманидаги Ойбек номидаги 22-ўрта мактабга ишга келди.

ИЗЛАНИШЛАР ЙЎЛИДА

Меҳнат фаолиятини Шаталов ишлари услубини ўрганишдан бошлади. Бу соҳадаги изланишларини 1989 йилги педагогик ўқишларда "Дарс самарадорлигини оширишнинг дидактик ва психологик шароитларини яратишда таянч сигнал ва конспектларнинг роли" мавзусини ҳимоялаш билан якунлади. Ўрта мактаб биология курси бўйича 120 дан ортиқ таянч конспектлар тузди ва бунинг учун биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Ажойиб инсон, устози Қодир Курбоновнинг бевақт вафотидан кейин у киши бошлаган иш биология фанини ўқитиш усулларининг янк дастури устида ишлаш ва биологиянинг оммабоп, мураккаб соҳаси — генетикани ўқитиш услубини ўрта мактабда такомиллаштириш соҳаси бўйича шуғулланишга ахд қилди. Бу соҳадаги изланишларини муваффақиятли якунлагач, устозлари билан ҳамкорликда "Генетикадан масалалар ечиш методикаси" қўлланмасини нашрдан чиқарди. 1992 йилда вилоятда биринчи бўлиб ўрта мактаб биология фани ўқитувчилари учун "Биологиядан тест топшириқлари" тўпламини чоп қилдириб тарқатди. Ижодкор ўқитувчи қисқа вақт ичида "Биология дарсларида миллий мерос дурдоналаридан фойдаланиш", "Биологиядан бошқотирмалар", "Биология дарсларида зироат илмидан фойдаланиш" каби тўпламларини яратди. 1994 йилда вилоят педагогик ўқувларида 2-ўринни эгаллади. Шу йилдан бошлаб Бухоро вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти биология фани ўқитувчилари тингловчиларига "Генетика фанини ўқитиш методикаси"дан дарс бериб келмоқда. Кейинги йили 7-синфларда "Зоология" фанидан қиёсий ўқув қўлланмасини синовдан ўтказиш мақсадида тажриба-синов майдончасини ташкил қилди. Ўша мактаб маъновий-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида фаолият юритаётган пайтда вилоятда биринчи бўлиб "Тарбия рейтинги"ни ишлаб чиқди. Таълим билан тарбияни яна ҳам уйғунлаштириш. Бу орада ҳассос педагог, ажойиб устоз, "Дўстлик" ордени совриндори Курбоной Турсунова қарилик нафақасига кетдилар, Йўлдошга директорлик вазифаси топширилди, энди бетиннилиги икки ҳисса ортди. Юргуди-елди, собиқ ўқувчиларини йўқлаб, ўқув қўмағида мактабни таъмирлан чикарди, асосий муаммони ҳам ечди—мактабни тўла газлаштирди. Худди шу ўқув йилида 6 номда 32 та стипендия, 3 та ўқув йили оҳирида бериладиган рағбатлантирувчи мукофот ташкил қилди. Олот полвонлар юрти эмасми, машҳур мураббий, кураш устаси, тоғаси, "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Рустам Тўраев кўмаги билан мактабда спорт соҳасида ҳам кескин ўзгаришлар ясади. Вилоят ижодкор биология фани ўқитувчилари уюшмаси президенти, вилоят "Ўқитувчи—93" кўрик-танлови голиби, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, "Шуҳрат" медали совриндори, 22-ўрта мактаб директори Йўлдош Эргашев ҳамкорлиги ўқлида. У қадим ҳикматни жуда яхши кўради, биласи: қалбинг эзгуликни ҳис қилиб интилган, албатта, эзгулик топади, изланишлари бесамар кетмайди.

ЎҚИТИШ ЙЎЛИ

Юз нафар ўқитувчи бўлса, ўқитишнинг ҳам юзта услуби бўлади, бу сир эмас. Бутун ҳаётини ўқувчига бериш, уни фанга қизиқтира олишда ўқитувчининг бош мақсади билим бериш. Бошқаси ўлкинчи. Энди аниз бўлмаган, ўқувчилар орасида обрў топаман, деган муаллим ўз фанини, мутахассислигини яхши билмоги керак. Ўқувчи ўқитувчи дарсидан билим олиб чиқсин, завк олиб чиқсин, хайратланиб чиқсин. Ачинарли томони шундаки, яхши билимга эга бўлиб, шу билимни ўқувчига беролмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Йўлдош синфга кириши биланоқ, ўқувчилар ҳолатини, кайфиятини дарҳол илғаб олади. Болаларга тўғри, самарали билим беришда бу жуда ҳам муҳимдир. Синф турли ҳолатларда бўлади: тинглаш ҳолатида ёки бутунлай акси — сўзлаш ҳолатида. Баъзан униси ҳам, буниси ҳам ортиқча. Ўйин ҳолати устун келади. Айтайлик, мактаб катта байрамга тайёрғарлик кўраётган ўқувчининг бош мақсади билим бериш. Бошқаси ўлкинчи. Энди аниз бўлмаган, ўқувчилар орасида обрў топаман, деган муаллим ўз фанини, мутахассислигини яхши билмоги керак. Ўқувчи ўқитувчи дарсидан билим олиб чиқсин, завк олиб чиқсин, хайратланиб чиқсин. Ачинарли томони шундаки, яхши билимга эга бўлиб, шу билимни ўқувчига беролмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Йўлдош синфга кириши биланоқ, ўқувчилар ҳолатини, кайфиятини дарҳол илғаб олади. Болаларга тўғри, самарали билим беришда бу жуда ҳам муҳимдир. Синф турли ҳолатларда бўлади: тинглаш ҳолатида ёки бутунлай акси — сўзлаш ҳолатида. Баъзан униси ҳам, буниси ҳам ортиқча. Ўйин ҳолати устун келади. Айтайлик, мактаб катта байрамга тайёрғарлик кўраётганлигидаги ажойиб ҳолатлар. Ўқувчи ўз фикри тўғрилиги ва топшириғи бажариш жараёнидаги ўз фаолияти ҳақ эканлигини бемалол ҳимоя қилсин. Дарсда болаларнинг қувноқ ҳаракатли шовкини бўғилдими (бу нақадар дахшатли сўз ва ҳолат) ўша ўз имкониятларини ҳам чегаралаб қўяди. Болажон қалби шунчалар тоза ва чексиз имкониятларга бойки, у имкониятлардан бола қалбига тўғри йўл топиб, ундан фойдалана олган муаллимлигма буюк кашфиётлар яратса олади. Ҳозирги замон дарси замонавий билим асослари ва техника воситалари асосида ташкил қилинадиган театрлаштирилган дарс бўлмоғи лозим. 45 минутлик дарс жараёнида ўқитувчидан 45 ҳунар, 45 маҳорат, 45 қобилият ва истеъдод талаб қилинади. Мўъжиза мисқоллаб йиғилади. Муаллим ўқувчи мўрғак қалбидаги серқирра имкониятларни кашф қила олсагина замонавий дарс мақсади самара беради.

Йўлдош дарсларига ана шу мақсадларни қўяди, шу боис ҳам ўша вилоят танловида дарси энг юқори — 10 балл билан баҳоланган эди. У ижтидорли болаларни дарҳол илғаб олади, кейин уларга тинчлик бермайди. Қўшимча машғулотлар ўтади, тошширик, қўлланмалар беради, таътил кунлари ҳам тергаб туради. Репититорлик билан шуғулланаётган ижодкор ўқитувчидан сабоқ олиш учун қўшни вилоятлардан ҳам ўқувчилар келишади. Серқирра муаллим Йўлдош ижодкорларга хос яхшигина шеърлар ёзади, чиройли расмлар чизади, ростмана хаттотлик қилади, кўркам хуснихатга эга.

Мамлакатимизнинг қайси институтига кирманг, унда, албатта, Йўлдошнинг қўллаб ишлаётган ходимлари бор. Улар фахр билан "Мен Йўлдош муаллим қўлида билим олганман", дейишади.

"МЕН ЙЎЛДОШ МУАЛЛИМ ҚЎЛИДА БИЛИМ ОЛГАНМАН"

Орифжон ВОҲИДОВ,
Олот туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактаби директори

Elda aziz

ЗИЁДУЛЛА МУАЛЛИМНИНГ ЙЎЛИ

Баҳорнинг сўнгги кунлари. Тушдан кейин ёққан ёмғир ўзидан катта из қолдириди. Ариқ тўла сув, ҳар қаламда ҳосил бўлган қўллар. Самода, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, қўёш тарелиб турган заррин нурларини йиғиштириб, кўм-кўк далалар, дарахтлари мевадан тўлган боғлар, ям-яшил водий билан хайрлашар экан, Ҳисор тоғлари орқасига яширинишга шошилар эди.

Хўжалик марказида савлат тўкиб турган уч қаватли бинода негадир сокинлик. Иш куни тугаганига ҳам анча бўлган. Пастки қаватда компьютер аппаратларининг садоларигина қулоққа чалинарди.

Зиёдулла соатига қарадн. Соат миллари еттига тўқнашибди. У бошини кўтариб, номаълум нуқтага бироз тикилгач, секин ўрнидан туриб, дераза олдига келди. Учинчи қаватдан бутун қишлоқ кўзга ташланади. Ҳов ана, асфальт йўли бўйлаб шошилаётган ариқ тўла сув, ошхона, чойхона ва турли савдо растолари билан тўлган қишлоқ маркази. Узоқ-узоқларда эса, қўёшга ғуё чўзган Боботоғ, кўм-кўк либосга бурканган адирликлар. Ана шу адирликнинг этагидаги қишлоқда Зиёдулла оиласи, ота-она, опа-укалари билан яшайди. Адирга туташган нозанин қишлоқ...

Зиёдулла ниманидир эсладн шекилли, майин табассум қилдн. Адирларга тикилдн. Кўёш ботаётганидан бўлса керак, атроф гира-шира. У стол тортмасидан бир ўрам қоғозларни олди-да, сумкасига солди. Айримларида нималардир ёзилган, орасида оппоқ, ҳали қалам юргизилмаганлари ҳам бор. Стол устидаги ёзаётган чала ишларини ҳам жилд қоғосига қўйди. Сўнг хонага яна бир бор кўз югуртиридю чиқиб кетди.

У йўлга чиқди. Юқоридан келаётган киракаш машина олдига тўхтади.

— Келинг, домла, ассалому алайкум, — деди бошини деразадан чиқариб ҳайдовчи.

— Ваалайкумассалом, сизмисиз?

— Уйга кетаётган бўлсангиз керак, эштиб қўяман, чиқинг.

— Жуда яхши бўлди-да, — дея хурсандчилигини яширолмай кулиб қўйдн Зиёдулла.

Машина елдек учиб борарди. Бугунги югур-югур ёза-ёз, ташвишлари йиғилишлар, чарчашлар бир зумда эсдан чиқди гўё. Ширин хаёллар оғушида яна бир ташвишли кун ортда қолганидан мамнун эди.

Ахир, катта бир идоранинг етакчи мутахассиси, бутун бошли туман мактабларининг увол-саволи бошида. Мактабларга бориб, таълим жараёнини кузатиш, янги замонавий дарс усулларини қўллашда ёрдам бериш, "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Давлат таълим стандартларини амалга оширишдек масъуляятли вазифа бор унинг зиммасида. Эртага эса мактабга бориш, тажриба синфида дарс ўтиши лозим. Ҳаш-паш дегунча интиҳонлар ҳам бошланиб кетади. Жуда ош қолган бўлса-да, тест синовлари, амалий машғулотларни ўтказиш лозим.

Машина Қоратоғ дарёси устидаги кўприкдан ўтиб, бир неча дақиқа тўғри юргач, чап томонга бурилди ва катта асфальт йўлида қушдай учиб бораверди. Йўлнинг икки четида пахтазор.

Зиёдулланинг болалик ва ўсмирлик йиллари ана шу адирликка туташган қишлоқда ўтди. 1959 йилда оддий деҳқон — Нарзулла аканинг оиласида таваллуд топди. Болалигидан ўқишни севар, барча фанларни бирдек ўзлаштирарди. 1976 йилда 52-ўрта мактабни "аъло" баҳога битирди. Лекин шароит тақозоси билан бир йил жамоа хўжалигининг қурилиш бригадасида ишлади. Иккинчи йили эса Бухоро давлат педагогика институтининг тайёрлов бўлимида ўқиб, ўз билимини оширди. 1978 йилда шу билим даргоҳининг кимё-биология факультетига қабул қилинди.

У мактабдагидек талабалик йилларини ҳам бекор ўтказмади, берилиб ўқиди. Ҳатто ўша даврдаги энг олий стипендияни олишга муваффақ бўлди. 1983 йилда институтни имтиёзли диплом билан битириб, тумандаги 3-ўрта мактабга ишга келди. Дастлаб оддий ўқитувчи, кейинчалик тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлади.

1987 йилда ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга олиб, уни 19-ўрта мактабнинг директори этиб тайинлашди. Бу лавозимда у етти йил ишлади. Орада бир йил туман халқ таълими бўлимида услубчи бўлди. Сўнгра яна уч йил ўрта мактабда директор бўлди.

Ўша даврда, яъни 1996 йилда 20-ўрта мактабда эксперимент синф ташкил этиб, ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими бўйича тажриба-синов ишларини олиб борди. 1998 йилда Ўзун туман халқ таълими бўлимида педагогика хонаси мудири этиб тайинланди. Бутунги кунда рейтинг тизимини амалда қўллашнинг энг асосий ташвишчиларидан. Тумандаги 60 та мактабда ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимини амалда қўллаш мақсадида тажрибасинов майдончаларида олиб борилаётган ишларни назорат қилиб, муаммолар устида ишламоқда.

— Рейтингнинг афзалликлари жуда кўп, — дейди у. — Аввало, ўқувчи фаолиятига ижобий баҳо берилади. Унинг билими меҳнатига яраша баҳоланади. Узлуксиз баҳоланиш таъминланади. Ўқувчиларни тинимсиз изланишга ундайди.

Меҳнат қилсанг, албатта, роҳатини кўрасан. З.Раҳмонов ҳам дастлаб тажриба синфи очганида унинг қаракатларига ишонқирамаганлар ҳам бўлган. 1996 йилдан бошлаб унинг ўқувчилари республика олимпиадаларида қатнашиб келишмоқда.

1995 йилдан буён ўқувчиларни блок йўналиши бўйича олий ўқув юртларига тайёрламоқда. Ҳар йили шогирдларидан 8-10 нафари олий ўқув юртларига кириша эришаяпти. Бугунги кунда Термиз давлат педагогика институтининг кимё факультетида, Андижон тиббиёт, Тошкентдаги дориишунослик, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, технология институтларида 70 нафар ўқувчилари таҳсил олишмоқда. Бу устознинг машаққатли меҳнати ҳамда рейтинг тизимининг самарасидир.

Рейтинг тизимини бутун Сурхондарё вилояти мактабларида жорий этиш, унинг аҳамияти ва самарасини барча ўқитувчиларга тушунтириш мақсадида 2000—2001 йиллар давомида З.Раҳмонов вилоятдаги 14 та туманда ҳамда Денов ва Термиз шаҳарларидаги барча мактаб директорлари, илмий бўлим мудирлари ва илғор ўқитувчиларни билан учрашувлар ўтказиб, семинарлар ташкил этди. Рейтинг бўйича маърузалар ўқиб, тушунтириш ишлари олиб борди. Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти методика маркази мудирлари билан бир неча маротаба суҳбат ўтказди.

2000 йилдан буён рейтинг тизимини жорий этиш бўйича республика ишчи гуруҳи аъзосидир. Рейтинг бўйича 10 дан ортиқ методик мақолалар, 8 та методик қўлланма, I—IX синф ўқувчилари учун рейтинг дафтарчасини тайёрлади.

З.Раҳмонов илғор ўқитувчи сифатида турли танловларда қатнашиб келади. Жумладан, 1994 йилда "Йил ўқитувчиси", 1995 йилда "Замонавий кўргазмалар", 1996 йилда "Ижодкор ўқитувчилар" вилоят кўрик-танловларида қатнашиб, голибликни қўлга киритди. 1996 йилда 16-республика педагогик ўқишларида "Кимё дарсларида ўқувчилар қизиқишини ошириш ва бадл тизимидан фойдаланиш" мавзусида маъруза қилди. Инсонинг ҳаётида қувончли, бир умр эсдан чиқмайдиган лаҳзалар ҳам учрайди. Ўшанда педагогика ўқишлари якунланган куни тантанали йиғилиш ўтказилди ва бошқалар қатори Зиёдуллага ҳам халқ таълими вазири ўз қўли билан "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишонини тақиб кўйди.

— Меҳнатингиз қадрланар экан, ўзингизни қуллай енгил сезасиз. Ижоднамасиз ва янада самаралирақ ишлагингиз келади, — дейди у мийнигда кулиб.

1997 йилда эса "Олтин тож" спорт ўйинини яратди. У киши диққатини ошириб, фикрлашга мажбур этади. Бу ўйин барча ёшдаги спорт ишқибозларига мўлжалланган.

Зиёдулла Раҳмонов ижодкор ўқитувчи ҳамдир. У тинмай изланади. Бадиий ижоднинг ашаддий мухлиси. Ўзи ҳам шеър ёзади, қўшиқлар ижод қилади. Бундан бир неча йил бурун "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқ байрамининг вилоят босқичида шогирдлари у ёзган қўшиқни маҳорат билан ижро этишиб, юқори баҳо олдилар. Унинг шеърлари "Ҳавас" номли тўпламга киритилган. Алоҳида китобча шаклида ҳам "Истеъдод соҳиблари" номи билан нашр этилди. Унинг шеърларида ҳаётга нисбатан меҳр, Ватанга муҳаббат, эзгулик, инсонийлик туйғулари нафосат билан баён этилган.

Ҳар бир инсон дунёда яшар экан, бирон-бир мақсадга интилиши, нимагадир эътиқод қилиши табиий. З.Раҳмонов ана шундай қалби тоза, меҳри дарё, ғайрат-шижоатли, тиниб-тинчимас инсон. Икки йилдирки, бешинчи синфда кимё дарсини ўйинлар, шеър ва апликациялар билан олиб борди. Бу республикада ягона тажрибадир.

— Гарчи давлат дастурида бешинчи синф ўқувчилари учун кимё фани тавсия этилган бўлмаса-да, тажриба тарақасида шу фанни ўқитишни мақсад қилдим. Натижаси ёмон бўлмаяпти. Болаларда қизиқиш катта, — дейди у.

... Бутун борлиқ тун оғушида, ҳамма ёқ жимжит. Зиёдулланинг хонасида эса ҳали чироқ ўчмаган. У стол устида турган бир тахлам дафтарларни кўздан кечираяпти, қизил қалам билан хатоларни тузатаяпти. Эртанги ўқитувчилар йиғилишига тайёрлаган маърузасини яна бир бор кўриб чиқиши лозим.

Қишлоқнинг қайсидир ғўшасидан хўрознинг қичқириши қулоққа чалинди. Тун пардасини ёриб, аста-секинлик билан тонг ёришца бошлади.

Шогирдларинг меҳрибон устози, халқ таълими аълочиси Зиёдулла Раҳмоновнинг одатдаги янги иш куни шу тариқа, яъни эрта тонгда бошланади.

Ўғилой ЖЎРАБОЕВА
Узун тумани

Milliy mafkura talqini bilan boyitilgan ushbu yangi asar, ayniqsa, bugungi yoshlarning ma'naviy tarbiyasini to'g'ri yo'lga qo'yishda, kishilar dunyoqarashini Vatan tuyg'usi, uning ertangi kuniga mustahkam ishonch bilan shakllantirishda muhim qo'llanma bo'lib xizmat qiladi.

«ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОПТИМИСТИК РУҲИ»

У ҳар бир фуқаро қалбида камол топмоғи лозим.

Муаллиф ўзининг навбатдаги янги асарида келажакка ишонч ғоясини илгари суради, уни таҳлил қилади, исботлайди. Фалсафа фанлари доктори, профессор Ўрол Абиловнинг янги китоби "Ўзбекистон тараққиётининг оптимистик руҳи" деб номланган. Китобхонлар шу кунгача домланинг "Фалсафий фикр тараққиётида оптимизм ва пессимизм муаммолари", "Мустақиллик ва оптимизм", "Миллий ғоя: маънавий омиллар" каби рисолаларини мутолаа қилишган.



Миллий мафкура талқини билан бойитилган ушбу янги асар, айниқса, бугунги ёшларнинг маънавий тарбиясини тўғри йўлга қўйишда, кишилар дунёқарашини Ватан туйғуси, унинг эртанги кунига мустаҳкам ишонч билан шакллантиришда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Муаллифни бу асарни ёзишга ундаган куч ва илҳом берган туйғу ҳам шундан. Профессор Ўрол Абилов китобхонни, умуман, жамият фуқароларини сиёсий хушёрликка, ҳаётдаги ҳар қандай воқеа-ҳодисаларни кенг дунёқараш асосида мушоҳада қилишга ундайди. Кишилар доимо оптимист бўлмоқларини уқтиради. Айни пайтда, муаллиф ўтмиш жамиятдан бизга жуда ҳунук ва салбий иллатлар қолганини, уларнинг таъсири аҳён-аҳёнда бўлса-да, билиниб туришлигини, маънавий бойликларимиз, қадриятларимизнинг тарбиявий жиҳатларини чуқур ўрганишимиз орқали улардан холос бўлмоғимизни далиллар асосида кўрсатиб ўтади.

"Ҳамма гап шундаки, — деб ёзади муаллиф, — умуминсоний тамойил ўтмиш амалиётида ҳисобга олинмай келинарди. Бу ҳол алоҳида шахс манфаатлари инкор этилишига олиб келиб, масалан, миллий қадр-қимматнинг камситилишига, аксарият халқ учун ўзининг миллий "мен"лигини йўқотилишига ҳам олиб келарди... Оптимизмни шахс эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди".

Профессор Ўрол Абилов миллий ўзликни англаш, миллий ўзига хослик ғояларини илгари сураркан, унда бугунги ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси муҳим ўрин тутишлигини қайта-қайта такрорлайди. Масалан, китобнинг "Маънавий янгиланиш ва тафаккур ўзгариши" деб номланган бобида шундай сатрлар бор: "Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқимизнинг асрий анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳига асосланган ҳолда миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан муштаракликда келажакка ишонч, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, инсонпарварлик, виждонлилик, мардлик ва чидамлилик, адолат, билим ва маърифатга интилиш туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиш учун хизмат қилмоғи даркор. У давлат фуқароларининг буюк мақсад йўлидаги руҳий яқинлашувига ҳамкорлик қилмоғи лозим."

Муаллиф бу борадаги ўз фикрларини давом эттириб, талабаларда маданий-маънавий, тарбияни миллий меросимизга эҳтиром руҳини ўстириш, тарихимизни мукаммал ўзлаштиришга, шу орқали уларнинг маънавий қадриятларимизни қайта тиклаш жараёнидаги фаоллигини оширишга имкониятлар яратиб бермоғимиз лозимлигини уқтиради. Талаба-ёшларнинг маънавий соғломлиги, жисмоний баркамоллиги, улардаги эстетик тарбиянинг шаклланганлиги, гўзалликни ҳис қилиш ва келажакка умид ва ишонч руҳи билан олға бориши лозимлиги жамият ривожида алоҳида аҳамият касб этиши уқтирилади.

"Маърифат — бу тарбия ҳамдир, — дейди муаллиф. — Тарбияни ўйламай туриб, ёшларни маърифатга йўналтириш қийин. Тарбия оиладан бошланади. Лекин ёш авлодни ҳар томонлама ривожлантириш ва камол топтиришда бевосита боғча, мактаб ва олий ўқув юртларининг аҳамияти катта. Шунга кўра, талабаларнинг маънавий ва маърифий камолотида мураббийларнинг фаолиятига эътибор юксак бўлиши талаб қилинади. Мураббийлар доимо масъулиятни ҳис қилмоғи, талабаларда ўзаро ҳурмат, самимийлик, садоқат, бурч каби ҳислатларни шакллантириш мақсадида режа асосида маълум тадбирларни амалга оширмоғи лозим."

Мамлакатимиз аҳолиси тез орада, Юртбошимиз ташаббуси билан жорий этилган "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" умумхалқ байрамини кенг нишонлайди. Ана шундай айём арафасида ўқувчилар қўлига теккан, мутолаа қилинаётган бу китоб ёшларнинг Ватанга муҳаббатини, жамият эртанги кунига бўлган оптимистик муносабатини янада камол топтиришга хизмат қилиш билан бирга, устоз ва мураббийлар масъулиятини оширишда ҳам муҳим қўлланма бўлади, деб умид қиламиз.

Ш.СИДДИҚЗОДА

ИСТИҚЛОЛ БАДИАЛАРИ

Ўзбек адабиётида шоир ва ёзувчиларимизнинг даврнинг долзарб мавзусидаги публицистик чиқишлари анъанага айланган. Бунга яқин ўтмишимиздаги Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор ижодлари ёрқин мисол бўла олади. Ана шу анъанани давом эттирган Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳиби Барот Бойқобиловнинг "Навоий Ватани" деб номланган истиқлол бадиаларидан иборат асари нашрдан чиқди. Асар "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан чоп этилган.

Муаллифнинг юртимиз мустақиллиги йилларида Ватан ва миллат равнақи йўлида куюнчаклик билан ёзган истиқлол бадиалари ушбу асарда "Ватан ва миллат", "Ҳуррият ва руҳият", "Йирик сиймолар — тирик сиймолар", "Улуғ айём суҳбатлалари тарзида қоғозга тушган. Китобдаги кенг мушоҳадалар, айниқса, ёшлар тарбиясида қўл келади.

Китобни Ўзбекистон халқ рассоми Қутлуғ Башаров безаган, тўпловчи Давлатмурод Саъдуллаев, масъул муҳаррир Нормўмин Очилов.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

ХИТОЙЛИКЛАР КЎМИБ КЕТГАН ТИЛЛА

Обиджон Маҳмудовнинг "Зулматга қарши исён" тарихий-хронологик қиссаси "Ўзбекистон" нашриётда чоп этилди.

Асар, асосан, Дукчи Эшон, унинг авлодлари, оиласи ва бугунги кунимизда миллий озодлик кураши намояндасининг хотирасини қадрлаш йўлида Марҳамат туманида қилинаётган эзгу ишлар хусусида. Ўқувчи бу зот теграсидаги воқеалар юзасидан жуда кўп янгиликлардан бохабар бўлади.

Муқовадаги суратда бу миллат қаҳрамонининг китоб ушлаб тургани акс эттирилган. Бунинг сабаби бор: "... Мустамлакачилар унинг (Дукчи Эшоннинг — О.Б.) мол мулкини мусодара қилишганида 300 дан ортиқ нодир Шарқ қўлёзмалари, китоблари қаторида Муҳаммад Али қаламига мансуб "Ибрат ул-ғофилин" ("Ғофиллар учун ибратлар") асарини ҳам кўришган эди..." (Ўзбекистон тарихи. 1996, 141-бет).

Албатта, бу маънавий бойликлар рус амалдорларининг "шарофат"лари туфайли бизгача етиб келмаган.

О.Маҳмудовнинг қиссаси бир муқова остида ҳам янги имлода, ҳам кирилл алифбосида босилган.

Муаллиф китобни уч қисмга бўлади.

Биринчи бўлимда Андижондаги қадимий Эрши шаҳри ва Мингтепа ёдгорлиги каби бебаҳо ёдгорликларимиз тарихи ва уларни сақлаб қолиш, ўрганиш йўлида юртсевар давлат арбоблари ва олимларнинг эзгу ишлари ҳақида сўз юритади.

"Исён бўлиб туғилган инсон" деб номланган иккинчи қисм бевосита асар қаҳрамони, унинг аждоди, оиласи, фарзандлари тарихи, уларнинг қўзғолонгача ва ундан кейинги тақдирлари, бугунги кунда нималар билан машғуллиги ҳақида.

Асарда мунозарли ўринлар ҳам йўқ эмас. Масалан, муаллиф: "...Мана, 40 йилдирки, Мингтепа ёдгорлиги... ЮНЕСКО рўйхатига тушган ягона ёдгорлик экан..." (118-бет), — деб ёзади. Бизнинг билишимизча, ҳозирда Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий ёдгорликлари ва Хиванинг Ичан қалъасигина ЮНЕСКОнинг мувофиқлик сертификатини олган, холос. Бу рўйхатда Мингтепа ёдгорлиги йўқ.



О.Маҳмудовнинг Дукчи эшонни жадид ҳисоблаши (189-бет) ҳам анча баҳсли, деб ўйлаймиз.

Ҳа, айтганча, агарда сарлавҳа сизни қизиқтириб қўйган бўлса ёки хазина қаердалигини билмоқчи бўлсангиз, Обиджон Маҳмудовнинг "Зулматга қарши исён" китобини ўқинг.

Оллоёр БОБОНОВ,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази масъул ходими

KUTUBXONA

«БЕДОР ҚЎНҒИРОҚ» САДОЛАРИ

Мудом "Ўзни севдирмоққа урингим келмас, Оёқлар остида сурингим келмас, Ишқингизда фақат руҳим қолмишдир, Кўргим келади-ю, кўрингим келмас", дея ҳайқириб юргувчи, "Кўзидан кўнглига ўтиб бораётган" азиз кишилари, ватандошлари ҳақида қайғурувчи, миллатнинг эртасини порлоқ кўриш умиди билан яшовчи, дилбар шоира, "Дил фасли", "Рўшнолик", номли китоблар муаллифи, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Гулжамол Асқаровaнинг яна бир китоби — "Бедор қўнғироқ" нашрдан чиқди.

Шундай пайтлар бўладики, инсон ўз кўнглини, дилини кўтара олмайди. Ҳеч нарса унга ёрдам беролмайдигандек, ҳаётнинг оқ ранглари йўқдек кўринади. Ана шундай паллаларда инсон шеърга талпинади. Шеър, кўнгил битиклари унинг кўнгил оғриқларига малҳам бўлишини ҳис қилади.

Гулжамолнинг шеърлари ҳам ана шундай кўнгилга малҳам бўлувчи ижод намуналаридир.

Шоиранинг "Бедор қўнғироқ"и мудом уни руҳлантириб, мудом уни сергаклантириб туради. Гулжамол фақатгина кўнгил шоираси эмас. У Ватан ҳақида ҳам, ўзи туғилиб ўсган қишлоқ ҳақида ҳам, оёғимиз тегиб турган тупроқ ҳақида ҳам ҳеч кимнинг ғашига тегмайдиган даражада гўзал, ортиқча пафослар қўшмасдан, ўзини зўрламасдан ёзади.

"Бедор қўнғироқ" китобидаги "Бир куни" шеърида у "Насим бўлдим ҳур Ватаннинг боғларида, Тупроғига илдиз отиб кетди юрак" дейди.

Олам яралгандан буён ҳар бир одам ишқ, вафо, садоқат ва муҳаббат тўғрисида сўзлайди. Гулжамолнинг китобга кирган шеърларининг кўп қисмини ҳам мангу мавзу — муҳаббат мавзуси битилган ашъорлар ташкил қилган. У бевафо ёрини қарғамайди, унинг вафосизлигидан нафратланмайди, "Майли ёрим сендан гинам йўқ", дейди. "Тақдиримда мангу куз фасли, Сен бевафо бўлсанг айб эмас, Бу бевафо дунёдир асли", дея сокингина қолаверади.

Гулжамол Асқаровaнинг шеърларини ўқиган ҳар бир шеър шайдоси ўз кўнглини, ўз дардини, ўз изтиробларини мана шу сатрлардан топади. Беихтиёр "ие, мана бу менинг дилимдаги гапларимни ёзибди-ку", дея ҳайратга тушади.

Зеро, шоирлик юкини елкасига ортмоқлаган ҳар бир ижодкорнинг қисмати, Аллоҳ таоло томонидан унга берилган иноят ҳам ҳамманинг юрагидаги гапларни сатрларга мунчоқ янглиғ тизмоқдир.

Китобга Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева сўзбоши ёзган.

Шоира айтади: "Бугун шеъриятимиз дарёларини чайқалтириб бир тоза оқим, бир гуруҳ ёшлар кириб келди. Ушбу сўзимиз шу оқимнинг жуда ярашган бир вакиласи Гулжамол Асқарова ҳақида.

Руҳнинг кенгликларини қалқитиб, шиддат билан айтилган ушбу мисраларда мен қуюқ изтиробларга, теран, ёруғ дардга дуч келаман:

Халқ гарчи қудратдур бироқ қодирмас,
Ҳаққа айтаримни халққа айтмасман.

Гулжамол ўзи ушоққина қизалоқ бўлса-да, унинг хаёл қамрови кенг, фикрлари теран. Бундан ташқари, унинг шеърларини суюмли қиладиган яна бир муҳим хусусият бор. Бу унинг барча инсоний муносабатларда ўта самимийлиги, хоксорлиги деб айтиш мумкин.

Гулжамолнинг ёзган ва ёзаётган бошқа шеърларида менга СЎЗ майдонини ишғол этмоқ қудрати етилиб келаётганлиги сезилади. Мен унинг ижодини кузатар эканман, ичда юксалиб келаётган мардона бир азоб, улғаяётган, қаддини ростлаётган СЎЗни кўраман.

Майсаларнинг иши йўқми
илдиз билан,
Осмоннинг ҳеч иши йўқми
юлдуз билан.
Эй, худойим, мени нега
унутгансан,
Ёлғизнинг ҳеч иши йўқми
ёлғиз билан

— дейди Гулжамол бир шеърида.

Шеърнинг жон томири шубҳасиз самимиятдир. Самимийликни асраб қола олган ижодкор бахтли бўлади".

Ҳа, Гулжамол Асқаровaнинг "Бедор қўнғироқ" китобига жамланган шеърларининг барчасида шоира айтган самимий руҳ сезилиб туради.

Китобга Рустам Мусурмон масъул муҳаррирлик қилган.

Саҳифани Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади.

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК – ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиздаги барча зиёлилар, педагогларни «1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» билан самимий муборакбод этади!

Азиз устозлар, Сизларнинг ёш авлодга таълим-тарбия улашишдек машаққатли фаолиятингизга ижодий зафарлар тилаймиз. Уларни маънавий баркамол бўлиб вояга етказишдаги хизматларингиз ҳар доим қадрланган. Ўта масъулиятли, шу билан бирга, шарафли касб эгалари бўлишдай улкан бахт Сизни ҳеч қачон тарк этамасин!

Буюк келажакни яқинлаштиришдек шарафли вазифани бажаришда эзгу ниятлар ва омад Сизларга ҳамиша ёр бўлсин! Хонадонингиздан файзу барака аримасин!

Ўз юртига эгалик қилиш бахтидан Парвардигор Сиз билан бизни ҳеч қачон бенасиб этмасин.

הדהדוה מהקודה קסה קוה הדה,
מקהמלקן בודה!

Yildan-yilga obro'-e'tibori oshib borayotgan bilim maskanimiz jamoasining mehnatlarini e'tirof etgan viloyat hokimligi va uning xalq ta'limi boshqarmasi rahbarlari amaliy yordamlari tufayli o'tgan o'quv yilida Yaponiya hukumatining salkam 26 ming dollarlik beg'araz yordam grantini oldik.

Milliy dastur — amalda

Наманган вилоятидаги таълим муассасаларининг сони эмас, балки уларда амалга оширилаётган ишлар муҳим эканлигини инобатга олиш лозим. Ана шу даргоҳлар орасида Чортоқ туманидаги вилоят иқтидорли болалар лицей-интернатининг ўзига хос ўрни бор. Саҳифамиздаги мақолалар билан танишсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

ЗАҲМАТ ЧЕКСАНГИЗ, ЮТУҚЛАР СИЗНИКИ

Бу — нафақат лицей директорининг, балки бутун педагогик жамоанинг фикри.

Ўзбекистоннинг янги аср арафасида мустақил давлат сифатида тан олиниши унинг барча соҳадаги имкониятларини кенгайтирди. Хусусан, таълим тизимини ислоҳ қилиш баркамол авлодни вояга етказиш билан чамбарчас боғланиб кетганки, бугунги кунда айнан шундай саъй-ҳаракатларнинг натижалари кўзга ташлана бошлади. Бу ютуқларга мамлакатимиз миқёсида, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир таълим даргоҳи ҳисса қўшаяпти.

Мустақиллик тенгдоши ҳисобланган лицей-интернатимиз ўтган давр мобайнида анча-мунча тажрибалар тўплашга муваффақ бўлди. Албатта, педагогик жамоамиз олдида таълимнинг анъанавий шаклларига содиқ қолиш, унинг сифатини биринчи ўринга қўйиш, ўқувчиларнинг кейинги тақдири бўйича мониторинг олиб бориш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Бизнинг даргоҳимизга ўз фарзандини етаклаб келган ота-оналар ишончига муносиб бўлиш 35 кишидан иборат педагогик жамоамизнинг ҳар бир аъзосини масъулият билан ишлашга ундамоқда.

Маълумки, ҳозир миллий дастурнинг сифат босқичи давом этяпти. Дастур ижросида бу босқичнинг белгиланиши бежиз эмас. Негаки, таълимни шунчаки ташкил этиш эмас, балки янгиланган метод ва услублар асосида уюштириш ҳақида қайғуриш лозим. Шу жиҳатдан олганда, мониторинг хонасидаги "Рейтинг пирамидаси" бир кўзгу вазифасини ўтаяпти. Пирамидада ҳар бир муаллимнинг иш фаолиятига ошкора баллар қўйилади. Кимнингки бали юқори бўлса, бошқалар ҳам у каби ишлашга интилади. Бошқача айтсак, кечаги кўрсаткич бугунги интилишга нисбатан меъёр бўлмай қолаяпти. "Рейтинг пирамидаси" ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига ҳам ижобий таъсир эта бошлади. 336 нафар бола таълим олаётган даргоҳда ўқув йилининг ҳар бир чораги 85—90 фоиз ўзлаштириш билан якунланмоқда. Маҳмуджон Усмонов, Ҳасанбой Юнусов, Ғайбулла Пўлатов, Гулшаной Мамашоева, Собиржон Мусабоев каби устоз-мураббийларнинг дарсларидан ўқувчиларимиз мамнуният билан чиқишларига гувоҳ бўляпмиз.

Лицей-интернатимизни ташкил қилишдан кўзланган бош мақсад, бу энг аввало, болаларни қизиқиши, қобилиятига қараб танлаш, фанлардан нафақат дастурий, балки қўшимча билимлар беришдан иборат. Адабиёт ва тарих, математика ва физика, кимё-биология ва инглиз тили бўйича махсус синфлар ташкил қилинган. Уларга дарс соатлари давлат дастурида кўзланганидан 2-3 соат кўпроқ белгиланади. Бундан ташқари, ҳар бир фан ўқитувчиси синф раҳбари билан келишиб, куннинг иккинчи ярмида ўқувчиларни қўшимча машғулотларга жалб қилишади. Шанба кунлари машғулот соат 2 га қадар давом этади. Қизиқувчилар учун репетиторлик дарслари ҳам ташкил қилинган. Ҳар чоракда икки марта "Ота-оналар соати"нинг ташкил қилиниши бир томондан уларнинг ўз фарзандлари ўқишидан бохабарлигини таъминласа, бошқа томондан ўзаро ҳамкорлик ришталарини ҳам боғлайди.

10—11-синфларда ўсмир йигит-қизларнинг хаёлини абитуриентлик ташвишлари тўла банд этиб олади. Улар талаба бўлиш орзуси билан яшайди. Давлат тест марказининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда ҳар чоракда икки марта, демак, ўқув йили мобайнида саккиз марта тест синовларини ўтказиш анъанасини қарор топтиришга муваффақ бўлдик. Бунинг натижаси ўлароқ, ўқувчиларимизнинг олий ўқув даргоҳларига қабул қилиниш даражаси 90—95 фоиздан кам бўлаётгани йўқ.

Фикрни исботи билан келтирган афзал. Ўтган 2002—2003 ўқув йилида лицей-интернатимизни 73 нафар ўғил-қиз тамомлаган бўлса, шундан 68 нафари республикадаги турли олий ўқув юртларининг талабаси бўлишди. Агар ўтган йиллар мобайнидаги таҳлилни келтирадиган бўлсак, жами битирувчи—786 нафар ўқувчининг 715 нафари университет ва институтларни тугатишди ёки айни пайтда ўқишни давом эттиришмоқда.

Йилдан-йилга обрў-эътибори ошиб бораётган билим масканимиз жамоасининг меҳнатларини эътироф этган вилоят ҳокимлиги ва унинг халқ таълими бошқармаси раҳбарлари амалий ёрдамлари туфайли ўтган ўқув йилида Япония ҳукуматининг салкам 26 минг долларлик беғараз ёрдам грантини олдик.

Янги ўқув йили арафасида ушбу грант эвазига 12 та синф жиҳози, 6 та энг сўнгги маркадаги компьютерлар, 90 ўринли мажлисхона учун юмшоқ стуллар, 140 ўринли ошхона мебеллари, спорт анжомлари, телевизор, видеомагнитофон, аудиомагнитафон, нусха кўчириш аппаратига эга бўлдик.

Ёшларнинг ихтисосликни тўғри танлай билишларига кўмаклашиш уларнинг кейинчалик ҳаётдан ўз ўринларини топишларига замин ҳозирлайди. Шу мақсадда психологик хизмат ташкил қилинган. Мутахассис ҳар бир бола билан якка тартибда икки-уч бора савол-жавоб ўтказиб, унда қайси соҳага мойиллик кучли эканлигини аниқлайди. Бундан ота-онаси ҳам хабардор қилинади.

Мен ота-оналарнинг кўз қароғи, қолаверса, Ўзбекистоннинг келажаги ҳисобланган ёшлардан бир қисмини ўз бағрига жамлаган лицей-интернатимизнинг қайноқ ҳаётига разм солганимда, айрим катта-кичик муаммолар ҳақида эмас, балки фарзандлар бахт-иқболи ҳақида хаёлга толаман. Улардаги илмга ташналикдан бир нарсани илғаш мумкин. Айнан шу хислат уларнинг келажагини, тақдирини жамият, юрт манфаатлари билан уйғунликда кўришларига имкон яратади. Ана шунисидан хурсанд бўлишимиз керак.

Абдулҳамид РАҲМАТОВ,
иқтидорли болалар лицей-интернати директори,
Халқ таълими аълочиси

"ФИДОЙИЛАР КЛУБИ" — ҲАРАКАТДА

Биз ёшлар, Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, чиндан ҳам билимли, кучли ва албатта, бахтли бўлишимиз керак. Бизга яратиб берилган шарт-шароитлар шунчалик чексизки, ҳар бир ўғил-қиз ҳар томонлама чуқур билим олмаса, имкониятлардан фойдаланмаса, уят ҳисобланади. Ана шу ғамхўрликларга жавобан, билим даргоҳимизда иқтидорли тенгдошимиз, 11-синф ўқувчиси Отабек Тиллаев президентлигида "Фидойилар клуби" ташкил этганмиз.

Таом жуда мазали экан...

Клубга ҳар бир синфдан энг фаол аълочи, намунали хулқи билан кўзга ташланган ўқувчилар аъзо қилинган. Улар 4 йўналиш бўйича тенгқурларимиз орасида мустақил тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришади. Мисол учун, 11-синф ўқувчиларидан бири дарсларни ўзлаштиришда анча орқада қола бошлади. Буни кўрган ва билган "фидойи"чилар унга амалий ёрдам кўрсатишди. Натижа ёмон эмас. Икки-уч ойдаёқ бу оқсаётган мактабдошимиз пешқадамлар сафига қўшилди. Биз, шунингдек, ётоқхонада ҳам тартиб-интизомни қатъи назорат остига олганмиз. Тенгдошларимиз орасида айрим номақбул ҳаракатлар қилаётган ёшларни учратиб қолсак, бунга нисбатан дарҳол курашга отланамиз. Ҳар қандай муаммони ўзаро келишиб, ҳамжиҳатликда ҳал қилиш мумкин. Клубимиз аъзолари бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳам алоқа ўрнатган. Дилноз ва Нилуфар Абдураҳимова клуб аъзолари ичида фаоллиги билан ажралиб туришади.

Баҳодир ИСМАТУЛЛАЕВ,
интернат-лицей "Фидойилар клуби" вице-президенти,
10-синф ўқувчиси

Fikr

СОВРИНДОРЛИК ҲИССИ

Олимпиада — билимлар синови. Мен 9-синфдан бери физика фанидан олимпиадаларга қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаб келяпман. 2003 йилда Тошкентда бўлиб ўтган республика олимпиадасининг саралаш танловида қатнашиб, 30 нафар ғолиблар ичида учинчи ўринни эгалладим. Бу менда ўз билимимга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади.

Мен бу йилги ёзги таътилда дугонам Сония Маҳмудова билан Жиззах вилояти Фориш туманида жойлашган оромгоҳда халқаро олимпиадаларга тайёрландим. У ерга республикамизнинг турли вилоятларидан иқтидорли болалар келишган эди. У ерда ҳам танлов ўтказилди. Танловда мен тўртинчи ўринни олдим ва қимматбаҳо эсдалик совғаси билан тақдирландим.

Келаси йилги физика фани олимпиадасига ҳам қатнашиш ниятидаман. Устозларим К.Эргашев, А.Отахоновлар менинг халқаро олимпиадаларга қатнашишимни хоҳлашади. Қанийди, амалга ошса...

Соҳиба БОЙБОЕВА,
9-"Б" синф ўқувчиси,
республика олимпиадаси совриндори

ТАРБИЯ ТАЪЛИМНИ ТЎЛДИРАДИ

Jarayon

Ота-оналари ва ака-ука, опа-сингилларидан йироқда яшаётган ўқувчи-ёшларнинг ҳар бир кунини сермазмун ўтказиш бутун жамоамизнинг диққат марказида. Тўғри, лицей-интернатимизга фақат ўқийман, фан сирларини тўлиқ эгаллайман, деб азму қарор қилган ёшлар келишади. Бунинг учун уларга барча имкониятлар муҳайё этилган. Мураббийлар томонидан ўқувчиларнинг бевосита дарс жараёнида олган билимларини амалиётда қўллаш кўникмаларини шакллантиришларига ижобий таъсир кўрсатувчи 20 га яқин турли-туман тадбирлар ўтказилади. Шулар сирасига "Заковат", "7x7", "Интеллектуал ўйин", "Ўйла, изла, топ", "Зинама-зина", "Қувноқлар ва зукколар", "Сиз ҳуқуқингизни биласизми?" каби ўйинлар, учрашувлар, мушоиралар киради. Бундай тадбирларга улар бажонидил келишади. Ихтиёрий равишда келиш эса улардаги қобилият ва иқтидорнинг юзага чиқишини ҳам таъминламоқда. Турғуной Деҳқонова, Баҳодир Файзуллаев, Ҳамид Холмирзаев, Одилжон Эргашев, Наргиза Қаюмова каби ўқувчилар ана шундай мусобақаларда кашф қилинди. Эндиликда уларга ўхшаб, ўз қобилиятларини намоён этишга орзуманд ўқувчилар кўпайишяпти.

Интернат-лицей ўқувчилари компьютер қаршисида.

Таълим-тарбия — узвий жараён. Тарбиявий тадбирлар таълимни тўлдиради ва бойитади, унинг салмоғини оширади. Агар Ҳадиси шарифда "Бешикдан қабргача илм изла" дейилган бўлса, тарбия ҳам бир дақиқага бўлса-да, тўхтатилиши ёки ўз ҳолига ташлаб қўйилиши керак эмас.

Муродилла ТУРСУНОВ,
"Маънавият ва маърифат" ишлари бўйича директор муовини

АНГЛИЯ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ҚИММАТЛАШДИ

Буюк Британияда ўқиётган талабалар энди олаётган билимлари учун йилига 3 минг фунт стерлинг, яъни АҚШ долларига ўгирганда 4,5 минг доллар тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Бу ҳақда Британия ҳукумати қарор қабул қилди. Бундан ташқари университетларга мустақил тарзда нарх-навони белгилаш ҳуқуқи ҳам берилади. Шу пайтгача талабалар йилига (1,100 фунт) тўлашар эди. Бундай таълим олиш аҳолининг фақатгина бой қатламларига қўл келади, холос. Бундай ҳолатни Буюк Британия олий таълим вазири Чарльз Кларк университетларнинг моддий базаси яхшиланишига олиб келади, демоқда. Аммо талабалар учун ҳам имкониятлар очилди. Ўқув масканларининг энг камбағал талабаларига стипендияларни 2 баравар кўтариб бериш имконияти пайдо бўлди. Британиянинг Либерал-демократлар партияси бу ислоҳотларга қарши чиқмоқда. Уларнинг айтишича, қўшимча нархларни кўтариш, мамлакатнинг энг камбағал қатламларининг олий таълим олиш имкониятларини йўққа чиқаради. Британия олий таълим вазирлигининг таъкидича, 2010 йилга келиб мамлакатда яшаётган йигит ва қизларнинг 50 фоизи олий маълумотни янада сифатлироқ олиш имкониятига эга бўладилар. Ўз навбатида университетлар эса моддий шароитларини 6 фоизга кўтариб олишади. Чарльз Кларкнинг айтишича, ҳозирча бу ислоҳотлар фақатгина Англияда олиб борилади.

ФРАНЦИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ НАМОЙИШ ЎТКАЗДИ

Минглаб ўқитувчилар ва ўқувчилар ўтган ҳафта Париж кўчаларини тўлдириб намойиш ўтказишди. Ўқитувчилар ва ўқувчилар Франция ҳукуматининг таълим борасидаги ислоҳотлари жуда суст кетаётганини таъкидлашмоқда. Намойишга чиққанлар Франция ҳукумати солиқ тўловчилар пулларини фақатгина ҳарбий ва хавфсизлик лойиҳаларига ишлатиб, таълим ва маърифат соҳалари моддий ва молиявий қўллаб-қувватланмай қолиб кетмоқда, дейишмоқда.

Франциянинг кўплаб мактабларида маънавият ва маданият дарслари қисқартириб юборилган, ўқитувчилар эса ишсиз қолмоқда. Оқибатда мактабларда ахлоқсизлик ва зўравонлик ҳаддан ташқари кўпайиб кетмоқда. Охирги пайтларда Франциянинг ўрта таълим соҳасида кўпгина муаммолар вужудга келган. Франция таълим вазири Люк Ферри яқинда бирмунча рақамларни санаб ўтди. Фактларга қараганда, ҳар йили 160 минг ўқувчи мактабларни ташлаб кетмоқда.

Франция таълим вазири муаммонинг боши маблағ етишмаётганида эмас, балки бор маблағларни тартибсиз ишлатиб ташланаётганидадир, бу эса ҳақиқатан ҳам ўрта таълим борасида ижобий ислоҳотлар ўтказиш заруриятини вужудга келтиради, дея таъкидлади.

РОССИЯДА ТАЪЛИМ ДАРАЖАСИ КЎТАРИЛМОҚДА

Россия бош вазири ўринбосари Валентина Матвиенко Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар ҳимоясига бағишланган конференциясида нутқ сўзлади. Ва биринчи бор Россияда таълим соҳасига киритилаётган маблағлар бу йили ҳарбий соҳаларни молиялашдан устун қўйилмоқда, деди нутқида.

Владимир Путин болаларнинг саводхонлигини ошириш ва уларга сифатли таълим бериш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланиши кераклиги ҳақида гапирган. Россияда ўн йил муддатга мўлжалланган таълим соҳасини ислоҳотлаш режалари тузилган.

БОЙВАЧЧАГА ТУРМУШГА ЧИҚИШДАН КЎРА...

Британия иқтисодиёт ва сиёсат институтининг ёшлар ичида социологик ўрганишлари шуни кўрсатадики, ҳозирда Англияда яшаётган ёшларнинг 70 фоизи маблағларини ўзларига, яъни ўзларининг таълим олишларига сарфлашни мақсадга мувофиқ деб ўйлашмоқда. Британия ёшлари ҳазил аралаш бойваччага турмушга чиқишдан кўра ёки бой келин топгандан кўра яхши таълим олиш, келажак пойдевори деб ҳисоблашмоқда. Умуман олганда, Британия ёшлари ўзларига жуда ишонган ва ота-оналарининг ёрдамига қараб ўтирмайдиган йигит ва қизлар. Ўқишдан бўш пайтларида, ёзги таътил вақтида ишга жойлашиб, ўқишларининг жуда бўлмаганда, ярим пулини топишга ҳаракат қилишади.

Келажакда ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаш ва ҳеч нарсага зор бўлмасдан яшаш учун ҳар бир йигит-қиз яхши таълим олиши керак. Айниқса, Британия ёшлари мустақил яшашни хуш кўришади, аммо бунинг учун мўмайгина пул топиш кераклигини ҳам яхши тушунишади. Мўмайгина маош олиш эса фақатгина яхши ўқиганларга насиб этади.

ПОРЛОВЧИ КЎКРАК НИШОНЛАРИ

Мурманск вилоятининг барча мактаб ўқувчилари ва мактаб ёшига етмаган болалар кечаси ёруғлик тарқатадиган кўкрак нишонларини тақиб юришади. Бу кўкрак нишонлар Финляндияда ишлаб чиқарилган бўлиб, болаларни куннинг кечки маҳалларида ва қоронғу жойларида автоуловлар узоқдан пайқаб олиши учун мўлжалланган.

Ана шу янгилик вилоятда содир бўладиган болалар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг кўплаб учрашига барҳам беради, деб ўйлашмоқда йўл ҳаракати нозирлари.

НЕФТЬ ҚИРОЛИ ИШНИ НИМАДАН БОШЛАГАН

(Давоми. Боши газетамизнинг 13 сентябрь сонида)

Рокфеллернинг биографларидан бири Альберт Каррнинг ёзишича, ушбу воқеа билан боғлиқ суд қароридан сўнг жамоатчилик Рокфеллер тамомила парчаланиб кетади ва мағлубиятга учрайди, дея башорат қилганди. Бу эса ҳақиқатга яқиндек кўринди ва "Стандарт ойл" акциялари қиймати тушиб кетди. Аммо нималар бўлаётганини яхши билган молиячилар шу пайтдан фойдаланиб, мўмайгина пул ишлаб олишди. Нефть қиролининг ўзи ҳам 56 миллион доллар фойда кўрди. Шунда Америка газеталарининг бирида агар Рокфеллер бойликларини беш долларлик тилла тангаларга айлантириб, уларни бир-бирининг устига қўйса, осмонга юксалган тангалар тахлами Озодлик ҳайкалининг 25 тасини қўшгандаги узунлигига тенг келишини ҳисоблаб чиққанини эълон қилганди.

Шунга қарамасдан, Рокфеллер янада мустаҳкамроқ оёққа туришга интиларди. Ўша пайтларда нефть заҳиралари кўплиги бўйича иккинчи ўринда Россия турар, улар Нобель оилавий сулоласи ҳамда Ротшильдлар бойлигини кўпайтирарди. "Стандарт ойл" бу йирик компаниялар билан шартнома тузиб, биргаликда ишлашга киришди. Лекин бу ишда у муваффақият қозона олмади, чунки Бокудаги нефть устида жуда қадимдан иш олиб бораётган "Роял датч — Шелл" номли инглиз-голланд концерни турарди.

"Стандарт ойл" ва "Роял датч — Шелл" компаниялари нефть тарихида дунёда энг ашаддий душманлар ҳисобланган. Ушбу икки ширкат Хитой бозорини эгаллаш учун ўзаро молиявий қақшатқич жанглар олиб боришган. Гап шундаки, ўша даврларда бу мамлакат қолоқ бўлишига қарамай, 400 миллион аҳоли кундалик турмушида керосиндан фойдаланар, бунинг учун Рокфеллер одамлари Хитой қишлоқларида керосин лампаларини бепул тарқатиб юришарди. Мақсад эса кейинчалик ушбу лампаларни "Стандарт ойл" маҳсулоти билан тўлдириш эди. Лекин "Роял датч—Шелл"га тегишли Индонезиядаги йирик нефть конлари Хитойга яқин бўлгани сабабли, бу мамлакат аҳолисини мазкур компаниялар керосинлари билан таъминлай бошлади. Бундан ғазабга келган Рокфеллер эски ҳунарини — "нархлар ўйини"ни қўллади. Лекин унинг рақиби ҳам анойи эмасди. Мақсадига эришолмагач, нефть қироли "Роял датч—Шелл" билан муросага келишга мажбур бўлди.

Шу тариқа Рокфеллерлар нефть бизнеси борасида ўзининг ягона эмаслигини тушунди. Айни пайтларда унинг пул ишлаш имкониятлари янада кўпайди. 1895 йили Америкаининг Детройит шаҳрида Генри Форд номли киши автомобиль чиқарадиган мўъжаз корхона очди. 1901 йили дунёда автомобиллар сони 10 мингтага, 1914 йили эса 1 миллионга етди. Кемаларнинг ҳам жуда кўпчилиги ёнилғида ҳаракатланадиган бўлди.

Биринчи жаҳон уруши яқинлашиб келарди. Рокфеллер уруш "Стандарт ойл"ни вайрон қилади, деб ўйлаб, Англия—Франция иттифоқи ёрдам жамғармасига қўшилмади. Лекин йирик банкер Морган биринчилардан бўлиб ушбу ёрдам низомига қўшилди. Рокфеллер эса фақат 1917 йилга келибгина 70 миллион доллар билан бу ишга қўл урди. Натижада урушнинг сўнгги ўн саккиз ойи мобайнида "Стандарт ойл" Европага 15 миллион тонна "қора олтин" етказиб берди. Бу давр мобайнида "Стандарт ойл оф Нью-Жерси" компаниясининг ўзигина 200 миллион доллар фойда кўрди.

Энди Жон Рокфеллер анчагина қариб қолган эди, унинг ишларини Жон Рокфеллер II давом эттира бошлади. Аммо у ўзини авлиё қилиб кўрсатишга уста чиқиб қолса, гуноҳкор ёки осий бўлишини кўп такрорларди. Ҳатто Нью-Йоркдаги баптистлар черкови отахони унинг топшириғига кўра кўпчилик тепасида: "Стандарт ойл" — меҳрибонлик фариштаси, унга Нуҳ кемасига нажот истаб чопгандек интилинг, бойликларингизни ишониб топширинг, "Стандарт ойл" уларни сақлаш мажбуриятини олади", дерди. Кейинчалик Рокфеллер II нинг ўғли — "Чейз Манхетен банк" директори Дэвид Рокфеллер газета мухбири билан суҳбатда шундай деган: "Бобом ва дадам доимо бизга бойлигимизнинг ҳисоби йўқ, дея ўйлашимизни истамас, пул яратганга тегишли, биз эса уларни бошқарамиз, холос, дейишарди".

Ўз сўзларининг исботи сифатида у шундай мисол келтиради: Дэвид 7 ёшлигида ширинликлар харид қилиш учун отасининг дала ҳовлисида 6 соат хазон йиғиштирган. Бунинг учун унга 2 доллар тўлашарди. Агар унга ўт-ўлан йиғиштириш топширилса, суғурилган ҳар бир ёввойи ўт учун 1 цент берилган. Кундалик харажатлар учун Дэвид 25 центдан олган. Бу пулларни нималарга сарфлаганини бола махсус дафтарчада қайд этиб бориши лозим эди. Ҳафтада бир марта отаси бу қайдномаларни текшириб турар, бирор ноаниқлик топса, 10 цент жарима соларди.

Рокфеллернинг бу қадар манфаатпарастлиги унинг катта бойлик тўплаши омили бўлган бўлса, ажаб эмас. Бу молмулкдан ташқари ушбу сулола Америкадаги 5 минг гектар ҳудудни сотиб олиб, оиланинг ҳар бир аъзосига шу ерда биттадан чорбоғ қурдиришган. Ҳашаматли бу қасрларни қуролланган соқчилар ва қўлга ўргатилган итлар қўриқлайди. Ушбу ҳудуднинг асосий биноси 50 хонадан иборат мармар қурилма бўлиб, унинг барпо этилишида 30-йилларда 2 миллион доллар сарфланган. Булардан ташқари, Рокфеллерлар сулоласи бошқа бойликларга ҳам эга. Масалан, Нельсон Рокфеллернинг Венесуэллада маҳобатли қаср, Лоренсда, Гавай оролларида вилла, Уинтропда ва Арканзасда плантациялари бор. Улар Багама оролларидан Риверагача, Лондондан Римгача бўлган жойлардаги ўнлаб люкс квартираларнинг ҳам эгаларидир. Жон Рокфеллер II нинг ўғли — Жон Девидда 5 ўғил ва 1 қиз бўлган. Улар номига хатланган мерос турли жамғармаларда ва хайрия ташкилотларида сақланади. Чунки бундай ташкилотлардан солиқ олинмайди.

Шу тариқа Рокфеллерлар бойлиги ортиб бораверади. Айни пайтда уларнинг корхоналари ҳам борган сари кенгаяди. Масалан, Рокфеллерларнинг энг катта нефть компанияси "Стандарт ойл оф Нью Жерси" "Экссон" дея қайта номланиб, уни 3 мингта менежер бошқаради. Махсус бўлим одамлари бундай ходимларни доимо университетлардан излаб топиб ўқитадилар. Ёш мутахассислар учун мансаб поғонасидан кўтарилишига барча йўллар очиқ. Бошқа нефть компанияларида, хусусан, "СОКАЛ", "Голф ойл", "Мобил"ларда ҳам иш шундай ташкил қилинган. "Етти опа-сингил" номи билан аталувчи Америка нефть компаниялари иттифоқи таркибидаги ушбу уч йирик корхона Рокфеллерларга қарашлидир.

Жон Рокфеллер II вафот этгач, фарзандлари томонидан мол-давлатни бошқариш қуйидагича тақсимланган. Жон Рокфеллер — тўнғич ўғил турли жамғарма ва хайрия ташкилотларидаги сулола бойликлари билан шуғулланади. Иккинчи ўғил — Девид Рокфеллер тижорат директори бўлиб, "Чейз Манхеттин банк"ни бошқаради. Ушбу сулола биографларидан бири Фердинанд Лансберг шундай ёзганди: "Мен Девид Рокфеллер ҳузурига кириш учун Покантикодаги қасрига кўп борганман. Лекин ҳар сафар менга унинг ҳузуридаги қироллар ёки императорлар, миллионерларнинг кўплиги хонасига киришимга ҳалал беради. У гоҳ хорижий давлатларнинг раҳбарлари билан, гоҳ қайси фирқа аъзолигидан қатъи назар, сиёсатчилар билан мулоқот олиб боради".

Учинчи ўғил Лоренс фақат Рокфеллерлар сулоласи бойлигидан хорижий давлатларга янги маблағ қўйиш билан шуғулланади. Тўртинчи ўғил Нельсон Рокфеллер тўрт марта Нью-Йорк штати губернаторлигига сайланган. Унинг сиёсий мартабаларда бўлиши Рокфеллерлар сулоласи бойлигини кўпайтирган. Ушбу сулола ҳақида китоб битган Фердинанд Лансберг шундай ёзган: "Дунё — бу Рокфеллерларнинг маҳобатли плантациясидир."

Албатта, бу ушбу плантацияда «умргузаронлик» қилган одамнинг фикри...

Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

O'quvchilarimizning o'quv-ishlab chiqarish amaliyotlarini samarali tashkil etish imkonini beruvchi 11 ta ustaxonamiz mavjud.

Kasb-hunar kollejlarida



Бугунги кунда мамлакатимизда эртанги ёрқин келажагимиз эгалари бўлмиш ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Уларнинг жаҳон андозаларига мос равишда ўқитишнинг энг илғор усул ва услублари воситасида замонавий билимлар олиши ҳамда ҳар томонлама камол топиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Йигит-қизларимизнинг баркамол инсон бўлиб етишиши борасида республикамизда амалга оширилаётган ибратли ишлар кўламини пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган саноат касб-ҳунар коллежи мисолида ҳам кўрсак бўлади. Фаолиятини 1977 йилда Тошкент трактор заводи базасида махсус билим юрти сифатида бошлаган мазкур даргоҳ мамлакатимиз таълим тизимидаги туб ислоҳотлар боис 2000 йилда янги турдаги таълим муассасаси — Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи мақомига эга бўлди.

КАСБИЙ КЎНИКМАЛАР АМАЛИЁТДА ТОБЛАНАДИ

Коллежда айни кунда жами олтита — металларга ишлов бериш, пайвандлаш, тикувчилик ишлаб чиқариши, автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш, ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш, бухгалтерия ҳисоби каби йўналишлар бўйича кичик мутахассис кадрлар тайёрланмоқда.

Маълумки, бугунги кунда давр талабларига жавоб берувчи, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар томонлама рақобатбардош мутахассис кадрни тайёрлашнинг асосий мезонларидан бири касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларнинг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини касбий йўналишлар бўйича мавжуд бўлган ўқув режа ва дастурларига асосан ташкил этишдир. Бу борада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида биз ушбу коллежда бўлдик.

— Коллежимизда таълим-тарбия жараёнини талаб даражасида ташкил этиш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳар гал янги ўқув йилининг бошланиши арафасида тасдиқланиб олинади. — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Зокир Ғаниев. — Ушбу чора-тадбирлар доирасида таълим муассасамизда тажрибали педагог Бахтиёр Мавлонов раҳбарлигида 35 нафар ўқитувчи ва 19 нафар касбий таълим усталаридан иборат педагогик жамоа томонидан ўқувчи-ёшларга танлаган ихтисосликлари бўйича касбий таълим бериш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Илм масканида тайёрланаётган мутахассисликлар бўйича ўқувчиларимизнинг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларини самарали ташкил этиш имконини берувчи 11 та устахонамиз мавжуд. Уларнинг барчаси амалиёт даврида зарур бўлган асбоб-анжомлар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда ўқув режасида кўрсатилган барча ўқув амалиётлари бажарилмоқда. Айни кунда ушбу устахоналаримиздаги айрим жиҳозларни янгилаш борасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ЎМКҲТ Маркази ва Тошкент шаҳар ҳокимияти ЎМКҲТ бошқармаси мутасаддилари билан биргаликда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда коллежимизда металларга ишлов бериш ва пайвандлаш йўналишлари саноат ишлаб чиқариш корхоналарига мутахассис кадр тайёрлаб берувчи асосий йўналишлар ҳисобланади. Бунга «Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамияти билан имзоланган кўп йиллик шартномаларимиз мисол бўла олади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мутахассисларимиз олиб борган сўровларнинг натижалари бўйича сўнгги пайтда металларга ишлов берувчи ва пайвандловчи уста бўлиб ишлаётган ишчиларнинг ўртача ёши улғайиб бормоқда. Бу жараён ана шундай давом этаверадиган бўлса, албатта, яқин келажакда кадрлар танқислиги вужудга келиши мумкин. Мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда ўқувчи-ёшларни ҳақиқий ишчи касбига қизиқтириш мақсадида муайян ишлар қилаяпмиз. Қувончли томони, кўп ҳолларда заводда ишлаётган отаси ёки акасининг ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббати ва садоқатини кўриб, айнан шу касб йўналишини танлаётган кейинги авлод вакиллари бўлмиш бугунги мактаб битирувчилари ҳам йўқ эмас. Бу, албатта, оилавий сулола анъаналарининг давом этаётганидан дарак беради.

Металларга ишлов бериш йўналиши бўйича коллежимизда учта устахона мавжуд бўлиб, биринчи токарлик устахонасида йигирматага яқин токарлик ҳамда жилвирлаш, пармалаш дастгоҳлари ўрнатилган. Иккинчи токарлик устахонамизда эса сонли дастурлар билан бошқариладиган иккита дастгоҳ бор. Учинчиси фрезерлаш ва пармалаш ишлаб чиқариш устахонаси бўлиб, бу ерда фрезерлаш, рандалаш ва пармалаш дастгоҳлари жам бўлган. Мана шу устахоналаримизда ўқувчиларимиз барча амалий кўникмаларни ўзлаштириш имкониятига эгадирлар. Бундан ташқари, иккита пайвандлаш устахоналарига ҳам эгамиз. Икки қаватли бинога жойлашган бу устахоналарнинг биринчи қаватида қўлда пайвандлайдиган электрпайвандчи ва газпайвандчилар амалий машғулотлар олиб боришади. Иккинчи қаватда эса автоматик ва ярим автоматик машиналарда ҳамда газ остида ишланадиган электрпайвандлаш ишлари амалга оширилади. Бу ихтисосликлар мураккаб касблар сирасига кирганлиги боис, ўқув амалиёти гуруҳларга бўлинган ҳолда олиб борилади. Иккинчи курснинг иккинчи ярмида ўқувчиларимиз мутахассисликларига қараб ишлаб чиқариш корхоналарига 8 ва 10 ҳафталик амалиётга чиқишади. Саноат йўналишидаги ишлаб чиқариш амалиёти, юқорида таъкидлаганимиздек, асосан Тошкент трактор заводида ўтказилади.

Энди автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш йўналишига келсак, бу борада бошқа турдош касб-ҳунар коллежларидан фарқли ўлароқ, йирик ҳажмдаги амалий-лаборатория ишларини ўтказишга мўлжалланган махсус мажмуамиз бор. Мазкур мажмуада автотренажёрлар каби зарур барча жиҳозларнинг мавжудлиги ўқувчиларимизнинг назарий билимларини амалий кўникмалар билан бойитишларида асқотаяпти.

Мазкур йўналишда таҳсил олаётган ёшлар DAEWOO компанияси томонидан тайёрланган ҳамда ЎМКҲТ Маркази орқали таълим муассасасига келтирилган «Нексия» ва «Тико» автомобиллари двигателлари бўйича махсус стенд кўмагида амалий билим ва кўникмаларини синаб кўришмоқда. Бу автомобилларнинг мотори ғилдиракчаларга ўрнатилган бўлиб, уни бемалол судраб юриб, хоҳлаган жойга олиб бориш мумкин ва бунда мотор ўзининг ишлаш функциясини тўхтатмайди. Ўқувчи эса устози ҳамда тенгдошлари олдида барча амалий функцияларни бажара олади. Масалан, свечани текшириб кўриш, клапанни созлаш, бензонасосга келаётган бензинни кўпайтириш ёки камайтириш — буларнинг барчасини ўқувчи ишлаб турган двигатель ёрдамида бажариш имкониятига эга. Автомобил воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш бўйича катта уста Саид Муродхўжаев бошчилигида маҳаллийлаштириш дастури асосида биз эски, сафдан чиқарилган машиналар деталларини йиғиб, Жанубий Кореядан олиб келинган ўқув-кўргазмали қуролдан ҳеч бир қолишмайдиган DAMAS автомобилининг электрлаштирилган, ҳаракатланувчи ўқув-кўргазмали моделини яратдик. Таъкидлаш жоизки, бу кўргазмали моделни ясашга хориждан келтирилган ҳудди шундай моделга нисбатан икки баробар кам маблағ сарфланди. Ана шундай ўқув-кўргазмасининг бирини сотиб, бюджетдан ташқари маблағ ҳам топдик.

Яқин кунларда ана шундай ўқув-кўргазмали стендларнинг яна бошқа турларини педагог-муҳандисларимиз, диплом лойиҳасини бажараётган иқтидорли ўқувчиларимизни жалб қилган ҳолда яратишни режалаштирганмиз. Келажакда бундай ташаббуслар коллежимизда қарор топган яхши бир анъанага айланиб қолишига шубҳа йўқ.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга тўхталсак. Саноат йўналишида таҳсил олаётган ўқувчиларимиз 50 фоиз ҳақ тўлаб, мутахассисликларига қўшимча равишда «ВС» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам олишлари мумкин. Автомобил ҳайдаш амалиёти «Матиз» ва «Тико» русумли автомашиналарда амалга оширилади.

Тикувчилик ишлаб чиқариш йўналишига келсак, ўқув амалиёти ва ишлаб чиқариш устахоналаримиз ёнма-ён жойлашган, бу ўз навбатида, касбий таълимнинг ўзаро уйғунлигини таъминламоқда. Бу устахоналаримизда тикув, тугма қадаш ва оверлок машиналари бор. Тикувчи қизларимиз ишлаб чиқариш амалиётларини асосан коллежимизнинг ўзида ўташади. Айрим пайтда «Юлдуз», «Тонг» ҳиссадорлик жамиятларига жўнатамиз. Коллежимиз ўқувчи-ёшларининг амалиёт давридаги устки кийим-бошлари, фартук ва қўлқопларини қизларимиз ўзлари устахоналарда тайёрлашади. Бу иқтисодий жиҳатдан жудаям қўл келмоқда.

Айни кунда олдимизда турган долзарб масалалардан бири — бу ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир. Коллежимиз тажрибали устозлари, ўқувчиларнинг севимли мураббийлари Абдуваққос Назаров, Шуҳрат Нуғмонов, Николай Примечаев, Сергей Сосинлар ана шу масала юзасидан доимий изланишдадир.

Коллежда қўшимча даромаднинг яна бир манбаи кечки пуллик «ВС», «В» тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларидир. Бундан ташқари, металл конструкция ишларини бажариш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича ҳам аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқдамиз.

Бизнинг илм масканимиз Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ҳар йили тахминан 10-15 фоиз битирувчиларимиз ушбу университетга ўқишга киришмоқда. Университетнинг механика факультети олимларининг саъй-ҳаракатлари билан коллежимизда ушбу факультетнинг шаҳобчаси фаолият юритмоқда. Коллеж педагоглари университет олимлари билан ҳамкорликда учта йўналишда қатор маъруза матнларини яратишди. Масалан, коллеж директори Бахтиёр Мавлоновнинг ҳаммуаллифлигида ёзилган «Автомобилларни таъмирлаш» ўқув қўлланмаси нашрдан чиққан бўлса, «Металлга токарлик дастгоҳларида ишлов бериш» қўлланмаси якунланиш арафасида. Бундан ташқари, мана икки-уч йилдирки, коллежимизнинг энг аълочи, иқтидорли ўқувчилари университет ректорининг махсус стипендиясига сазовор бўлишиб, бу ўз навбатида, бошқа ўқувчиларни ҳам яхши таълим олишга чорламоқда.

Тошкент автомобил йўллари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, Тошкент давлат педагогика университети билан ҳам 5 йиллик муддатли ҳамкорлик шартномалари имзоланган бўлиб, улар билан ҳам ушбу шартномаларда кўзда тутилган тадбирлар муваффақиятли амалга оширилиб келинмоқда.

Нурлан УСМОНОВ ёзиб олди.

Chempionat birinchi marta havaskor tennischilar o'rtasida tashkil etilgan edi. OTFga a'zo 17 mamlakatdan o'n ikkitasi o'z sportchilarini birinchi Osiyo chempionatida ishtirok etish uchun yuborgan. 1989 yildan e'tiboran, musobaqalarga professional tennischilar ham taklif etilgan.



ТЕННИС МАМЛАКАТИДА ЯНА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Мамлакатимизда кўплаб халқаро ва маҳаллий теннис мусобақаларининг ўтказилиши, ёшлар орасида бу спорт турининг янада оммалашувига сабаб бўлди. Ҳақли равишда Ўзбекистон теннис мамлакатига айланди. Айни кунларда Осиё теннис федерацияси (ОТФ) пойтахтимизда қитъа чемпионатини ўтказмоқда. Мазкур ташкилот қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Унга Осиёнинг қирқдан зиёд мамлакати аъзо. Қитъанинг теннис федерацияси Шарқий, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё минтақаларига бўлинади. Ҳар бир минтақани ОТФ вице-президентлари бошқаради. Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов Марказий Осиё минтақаси бўйича ОТФ вице-президенти ҳисобланади.

Ўтган йили ОТФ маъмурлари мамлакатимизда теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолаб, Ўзбекистонга уч йил давомида Осиё чемпионатига мезбонлик қилиш ҳуқуқини берган эди. Шундай қилиб, Ўзбекистон бутун Шарқий Осиёда қитъа чемпионатига биринчи бўлиб мезбонлик қилган давлат сифатида тарихга кирди. Ушбу нуфузли мусобақага 1972 йилда Гонконгда асос солинган. Чемпионат биринчи марта ҳаваскор теннисчилар ўртасида ташкил этилган эди. ОТФга аъзо 17 мамлакатдан ўн иккитаси ўз спортчиларини биринчи Осиё чемпионатида иштирок этиш учун юборган. 1989 йилдан эътиборан, мусобақаларга профессионал теннисчилар ҳам таклиф этилган.

2002 йилнинг 14-20 октябрь кунлари Тошкент теннис маркази кортларида ўтказилган Осиё чемпионатида қитъамизнинг ўн тўрт мамлакатидан келган теннисчилар ўзаро беллашган эди. «Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионати жуда юқори даражада ташкил этилди», деган эди Осиё теннис федерацияси президенти Ичи Коватей ўшанда. Бу галгиси ҳам жуда юқори савияда ташкил этилмоқда. Ғолиблик учун кураш ҳам ўтган йилгига нисбатан анча кескин ва муросасиз кечмоқда. Буни мусобақага келаётган ракетка усталарининг сони тобора ошиб бораётганидан билиш мумкин.

— Бу йилги чемпионат ҳам юртимизда доимий равишда ўтадиган кўплаб спорт турлари мусобақалари каби яхши савияда ўтади, - деди давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов тадбирнинг очилиш маросимида. — Ана шу йирик спорт анжуманлари орасида теннис бўйича Осиё чемпионатининг ўз ўрни, мавқеи ва аҳамияти бор. Ушбу мусобақа нафақат Ўзбекистонда, балки бутун қитъамизда теннисниг янада равнақ топиши учун хизмат қилишига ишончим комил.

Чемпионатнинг очилиш маросимида иштирок этган ОТФ президенти Салвадор Андрада мамлакатимизда барча спорт тадбири юқори савияда ташкил этилиши, Ўзбекистон теннис федерациясининг улкан хизматлари эвазига ўтказилаётган Осиё чемпионати ОТФнинг энг йирик мусобақаси эканини алоҳида таъкидлади.



Мусобақада қитъамизнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган маҳоратли ракетка усталари Осиё чемпионлиги учун куч синашмоқда. Беллашувлар аёллар, эркаклар ва жуфтликлар ўртасида бўлмоқда. Яккалик баҳсларида ғалаба қозонган теннисчилар «Катта дубулға» туркумига кирувчи энг нуфузли тўрт турниридан бири — Австралия очиқ чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи «wild card»га эга бўлади. Ҳозирга қадар Тошкент теннис марказида Осиё чемпионати якка тартибдаги беллашувларнинг иккинчи босқичи якунланди.

Мусобақанинг учинчи босқичига ўтиш учун баҳсларда олти нафар ҳамюртимиз кортга чиқди. Чиройли ўйинлари билан мухлису мутахассислар эътиборини тортган В.Узоқов чемпионатда учинчи рақамда сараланган Вадим Кутценко билан куч синашди. Муросасиз кечган баҳслар В.Кутценко рақибига нисбатан анча кучли эканини намойиш этди — 6:1, 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шу куни яна икки вакилимиз ажойиб ўйин кўрсатди. Д.Мазур японялик Хикори Кондони 6:3, 7:5 ҳисобида енгган бўлса, въетнамлик Минҳ Куан До Д.Салимсаковга 6:1, 6:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Иккинчи босқичда ўйнаган олти нафар теннисчимиздан иккиси мағлубиятга учради. Ўзбекистоннинг энг тажрибали теннисчиси Олег Огородовдан бу гал омад юз бурди. Покистонлик Аиссан Қурейший уни 7:5, 6:3 ҳисобида доғда қолдирди.

Иқтидорли теннисчи М.Иноятов ҳам мусобақани эрта тарк этишга мажбур бўлди. У мусобақанинг иккинчи рақамли ракеткачиси Хитой Тайпейидан келган Ю Тзю Вангга қарши кортга чиққанди. Ўйин 6:3, 6:2 ҳисобида М.Иноятовнинг рақиби фойдасига ҳал бўлди. Иккинчи босқичнинг энг кескин учрашуви Жанубий Корея вакили Сунг Кюн Канг ҳамда қозоғистонлик Алексей Кедриюк ўртасида кечди. Дастлабки сетда 6:4 ҳисобида имкониятни бой берган қозоғистонлик теннисчи кейинги сетларда рақибига имконият қолдирмади — 6:2, 6:1.

Аёллар ўртасидаги баҳслар ҳам жиддий курашларга бой бўлди. Айниқса, ҳамюртимиз Иванна Исроилова ҳамда кореялик Жин Янг Чой ўртасидаги беллашув кўпчилик эътиборини тортди. Ўтган йили Осиё чемпионатининг финал босқичигача етиб борган И.Исроилова биринчи сетда 6:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Тез орада ўзини ўнглаб олган теннисчимиз кейинги сетларни ўз фойдасига ҳал қилди — 6:4, 6:2.

Шунингдек, жуфтлик баҳслари ҳам давом этмоқда. Ҳамюртларимиз В.Куценко ва О.Огородов биргаликда Д.Мазур ва М.Иноятов жуфтлигини 6:2, 6:2 ҳисобида мағлуб этди. Индонезиялик С.Суванди ва Ф.Видиянто Ю.Кокурин ҳамда Ш.Шанголи жуфтликлари ўртасида кечган баҳс 6:1, 6:2 ҳисобида Индонезия вакиллари фойдасига ҳал бўлди. Аёллар баҳсида ҳам ўзбекистонлик теннисчилар — О.Омонмуродова ҳамда И.Исроилова жуфтлиги ишончли ўйин намойиш қилмоқда. Маи Хюн Хюн ва Зи Ким Тран жуфтлигига қарши кечган учрашувда юртдошларимиз кейинги босқичга йўлланма олди.

А.РИСҚИЕВ (ЎзА)
олган суратлар.

ДИЛИМДА, ТИЛИМДА ФУТБОЛ

Шу десангиз, биродар, кейинги пайтларда, айниқса футболчиларимиз биз мухлисларни яна хурсанд қила бошлагандан бери бу футбол деганларига янаям қаттиқ боғланиб қолаётибманми дейман-да: атрофимда футбол, ўйимда футбол, тилимда футбол, хуллас, ўнгимда футболми десам, ай, тушимдаям футбол денг! Тушимда бир кун шарҳловчи бўламан, бир куни "тренер" бўламан; яна бир кун ашаддий мухлис бўлиб бақираман.

Тунов куни десангиз, ярим тунда телевизорда берилган футболни тугатиб, энди ухлаган эканман, яна туш кўрибман: тушимда денг, кимсан "Реал" (Мадрид)нинг асосий плеймейкери эмишман. У ерда Девид Бекхэмдек ажойиб футболчини-да "чангим"да қолдириб шундай ўйнар эмишманки, шундай ўйнар эмишманки, стадиондаги мухлислар фақат мени олқишлар, телевизорда мени кўраётганлар эса мени табриклаш учун телевизорларининг ичигаям кириб кетишга уринармишлар. Мен бўлсам, уларга парво ҳам қилмай, навбатдаги жарима тўпини тепишга ҳозирлик кўрар эканман, Бекхэм ёнимга келиб ялинармиш, тўпни мен тепай деб. Э, борей, — дермишман "юлдуз"лигим тутиб, — ўзим тепаман! У ҳам узр сўраб, нари кетибди. Ҳакам ҳуштагини чалибди-ю, тўпга шердай шиддат билан наъра тортиб югурибман. (Билмайман, кароватдан қандай тушганман-у, хонам ичида қандай қилиб югурганман). Тўпга яқинлашиб унга шундай кучли зарба берибманки, (ҳаттоки машҳур Роберто Карлос буни кўрганида оғзи очилиб қолган бўлар эди) тўп деганим ҳақиқатан ҳам тўп бўлганида борми, мутахассисларнинг фикрлашларича, дарвоза тўрига тушса, уни йиртиб ўтар, устунга тегса қулатар, агар дарвозабон ушлаб олса, тўпга қўшилиб ўзи ҳам дарвоза ичига кириб кетиши мумкин экан. Афсуски, тўп деб тепганим ўзимнинг кароватим бўлибди. (Албатта ўша лаҳзадаёқ уйғониб кетдим). Бечора кароватимга шикаст етиб, темир-пемири қийшайган-қийшаймаганлигини ҳалиям билмасдим-у, аммо-лекин зарба берган оёғим ўзи зарба еб, оғриқдан зириллар, қарамасам ҳам юзим азобдан тиришиб, лабим оғриқдан буришиб кетганини сездим. Кўзларимдан чиққан ўт хонани бир ёритиб олганини ҳам кўрдим-ов...

Албатта, биродар, менинг бу гапларимдан гартаккина ёлғон ҳам ўрин олмай қолмади. Лекин футболни жудаям яхши кўраман — бу гапим рост. Менимча, Сиз ҳам футболни яхши кўрсангиз керак-а? Унда келинг, футболимизга ривож, терма жамоа ҳамда жамоаларимизга, омад ва зафарлар тилайлик, уларни олқишлайлик. Ахир, футбол фақат футболчилар билан эмас, мухлислар билан ҳам гўзал-ку! Нотўғри эмасми гапим?

Элмурод НИШОНОВ

Азиз устозимиз Муяссархон Эрматова!

Сиз ва сизнинг жамоангиз берган таълим-тарбия билан биз мустақил ҳаётга кириб бордик. Сизлар биз каби ёшларга тўққиз йил мобайнида билим, тарбия бердингизлар. Мактабингиз билан хайрлашган, айни пайтда бу даргоҳга илк бор кириб келган жажжи болакайлар қанча. Сизлар уларни ҳам худди биз каби улғайтирасиз. Сиз раҳбарлик қилаётган Учкўприк туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларига касб байрамлари арафасида самимий тилаклар йўллаб қоламиз.

Қўқон шаҳридаги автомобил йўллари касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган 19-мактабнинг собиқ ўқувчилари

Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича Республика ўқув-методика Марказида 2003 йилнинг октябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари курси.
2 — 28 октябрь 26 кунлик
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари курси.
2 — 28 октябрь 26 кунлик
3. Мактабгача таълим муассасаси янги тип курси.
2 — 19 октябрь 18 кунлик
4. Мактабгача таълим муассасаси логопедлари курси.
2 — 19 октябрь 18 кунлик

ЭСЛАТМАЛАР:

1. Тингловчилар марказнинг янги таъмирланган, шинам, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхонасига жойлашадилар. Марказ қошидаги кутубхонадан фойдаланадилар. Машғулотлар республикадаги таниқли олимлар, ўқув дастури ва дарсликлари муаллифлари, малакали, етук мутахассислар томонидан олиб борилади.
2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари лозим.
3. Тингловчиларнинг хизмат сафари харажатлари мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методика маркази ҳисобидан тўланади.

Манзил: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.

БИР ИМКОНИЯТ ҚЎЛДАН ЧИҚДИ

Италиянинг Милан шаҳрида эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари ташкиллаштирилди. Унда 160 давлат спортчилари ичида Ўзбекистон спортчилари ҳам ғолиблик учун кураш олиб борди. Ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида олтинчи ўрин билан кифояланишди. Айтиш жоизки, ушбу натижа сабаб вакилларимиз кичик ҳисобдаги очколар етмаганлиги боис келгуси йили Афинада ўтадиган ёзги олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишди.

МОСКВАДА ЖАНГ ЎТКАЗМОҚЧИ

Украиналик оғир вазнли боксчилар, ака-ука Кличколар келгуси йили Москвада жаҳон боксининг таниқли юлдузларидан бири билан жанг ўтказишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Виталий Кличко Москвада ўтказилган матбуот анжуманида айтиб ўтган. Виталий суҳбати давомида яқинда 6 декабрда Янги Зеландиялик Дэвид Гуа билан ўтадиган жанг учун шартнома имзолаши лозимлигини ҳам қайд этган.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбарияти ва жамоаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Жуманазар Ҳусановга онаси

ҲИКОЯТ аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Чилонзор тумани халқ таълими бўлими ва касаба уюшмаси тумандаги 24-махсус мактабгача таълим муассасасининг мудираси

Гулчеҳра ТОЖИЕВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

ЎЗ АЙТАР ЎЛАНИМ БОР

Ўз қишлоқ, ўз маҳаллам, ўз бешигим, ўз аллам,
Улуғ зотлар етишиб чиққанлиги муссаллам.
Ҳар бирининг таърифин бирма-бир
айтар бўлсам,
Не бир кунларни эслаб ўтмишга қайтар бўлсам
Лўлаболиш мисоли катта бир достон бўлур,
Кулфи дилим очилиб, тилларим бийрон бўлур.
Янглиш момо тебратган бешикдан беклар чиққан,
Халқ мехрини қозонган неча Болбеклар чиққан.
Қўшиқ, куйларга тушган Зеби опанинг номи,
Маҳлиё этган кўпни айтган ҳар сўз, каломи.
Ҳайдар бобо қавмига сардорлик қилганлардан,
Ҳар иш, ҳар бобда яловбардорлик қилганлардан.
Қадами етган ерлар гулу гулузор бўлди,
Қўриқ ерлар очилиб, чексиз пахтазор бўлди.
Абдуғани бобомиз Улуғ ватан жангчиси,
Тенгсиз жасоратлари баёзларда қолгуси.
Маориф аълочиси жонкуяр Шодмонхўжа
Таълими самар берди даражама-даража.
Тугма бобо елкадош бўлиб Жўра оғага,
Қийинчилик йиллари дош бериб бор-йўғига,
Эл-улусни олдинга бошлай келдилар мудом,
Тўқай, жинғилзорларни очиб қадамба-қадам.
Олим, арбоблар чиққан она қишлоғимиздан,
Отабек Қозоқовлар овул аймоғимиздан.
Бизлар асли тоғликмиз, мудом бели боғлиқмиз,
Наслимизни санаса кўкда юлдуз чоғликмиз.
Норбуви, Тожихонлар таърифин айтар бўлсам,
Ўтган кунларни эслаб ўтмишга қайтар бўлсам.
Тасбеҳ мисол тизилиб сўз кетидан сўз келар.
Ўз бахтини топмаган не бир қаро кўз келар,
У кунлар қолди ортда қайта келмасдай бўлиб.
Мустабидлик шамоли қайта елмасдай бўлиб.
Етиб келдик не зотлар орзу қилган замонга,
Озодлик насиб қилди она Ўзбекистонга.
Бу менинг маҳалламдир, бу — менинг ўсган элим.
Дунё сатҳида энди ўз яловим, ўз тилим.
Баланд минбарда туриб, ўз айтар ўланим бор,
Ўзбекистондай машҳур, муқаддас Ватаним бор.

Абдурасул ШЕРАНОВ,
Сирдарё туманидаги
9-мактаб директори

Ko'ngil bitiklari

УСТОЗЛАРИМГА

Устозлар бор экан, дунёда тинчлик
Олам тургунича яшайди мангу,
Устозлар бор экан, мехр-муҳаббат
Дўстлар чеҳрасида порлайди мангу.
Раҳмат сизга, азиз устозлар,
Пок дил сизни мангу эъзозлар.
«Нурли йўл»дан сўз териб тинмай,
Улашгайсиз сабоқ эринмай.
Сизга минг бор таҳсин ва таъзим,
Азиз инсон, азиз муаллим!

Ширмоной АСРОНОВА

ДИЛИНГИЗ МЕҲРНИНГ СУТИГА ҚОНГАН

Дилингиз мехрнинг сутига қонган,
Кўзингиз тобланган қуёш нурида.
Сизнинг сўзингиздан тонглар уйғонган,
Чархланди умрингиз ҳаёт қўрида.

Фалакнинг нарвони мен учун аён,
Қўлимдан тутдингиз гўдак боладай.
Мен сизга талпиниб яшайман ҳар он,
Эврилиб эшилай ипак толадай.

Қишлоқда, терлаган отам кафтини,
Сизда ҳис қиламан, билимингизда.
Тандир ёнидаги онам тафтини,
Ҳис этгум минг заҳмат илмингизда.

Нигора ЎРОЛОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабаси

СЎЗИНГИЗ КЎЗЛАРГА НУР

Тошкент давлат юридик институти, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги 2-мактаб жамоаларидаги азиз устозларимга бағишлайман.

То ҳаёт бор — бор бўлингиз
Қалби дарё, устозларим,
Биз абад сабоқ олурмиз
Сиздан доно, устозларим.

Сўзингиз кўзларга нурдир,
Танларга жон мехрингиз ҳам,
Бир умр илми толибга
Жони фидо, устозларим.

Сиз улуғсиз оталардай,
Сиз онадек суюкли зот, —
Мулки олам ичра ёлғиз
Сиз бебаҳо, устозларим.

Сизга — тавсиф на ҳожатдир,
Сизга — таъриф даркор эмас,
Мадҳингиз битмакка етмас
Икки дунё, устозларим.

Ҳар нафасда ҳис этурмиз
Сиздан олган ҳар сўз кучин,
Асли уй ҳам битта ғиштдан
Бўлгай бино, устозларим.

Сизни ризо айламакдин
Ўзга армон бизларда йўқ,
Шу муродга етсак қани,
Қилинг дуо, устозларим.

Боши ерга теккунча то
Гулчеҳра ҳам таъзимдадир.
Нуҳ пайғамбар ёшин берсин
Сизга Худо, устозларим!

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Тошкент давлат юридик
институтининг катта ўқитувчиси

ТУЛПОР ПИЛЛАПОЯСИ

Afsona

Ҳарц тоғлари билан боғлиқ қадимги немис халқ афсонаси, акаука Гриммлар томонидан ёзиб олинган.

Бир пайтлар, бундан минг йиллар аввал, балки ундан ҳам илгарироқ, Богемия ўрмонларида Бодо исмли баҳайбат бир паҳлавон яшаган экан.

Бутун мамлакат унга итоат қиларди. Фақатгина Эмма, Улкан тоғлик қиролининг гўзал қизи унинг дўқ-пўписаларини писанд қилмас эди. Қизни итоатга келтириш учун Бодога на зўрлик ва на ҳийла-найранг ёрдам берди, чунки қиз ҳам паҳлавонлар қавмига мансуб бўлиб, уни буюк аждодларининг руҳи қўлларди.

Кунларнинг бирида Бодо қироличани овда учратиб қолибди ва унга етиб олиш учун отига қамчи урибди. Оти жуда чопқир бўлиб, масофани кўз очиб-юмгунча босиб ўта олар экан. Бодо бу сафар қизни қўлга туширишга ёки ўлдиришга қатъи аҳд қилибди...

Унинг қабиҳ режаси амалга ошишига бир баҳя қолибди. Орада икки милга яқин масофа қолгандагина Эмма уни кўрибди. Қиз Бодони унинг қалқонидан таниб қолибди: паҳлавон вайрон бўлган бир шаҳарчанинг дарвозасидан қалқон ўрнида фойдаланар экан. Шундан сўнг Эмма ҳам ўзининг оппоқ тулпорини ниқталабди. Ўз бекасига содиқ бўлган от баланд тоғлар, даралар, ўрмонлар устидан қушдек учиб ўта бошлабди ва Ҳарц тоғлари этагига етиб келибди. Малика ҳар сафар ортидан таъқиб қилиб келаётган Бодонинг оти туёқлари товушини эшитганда ўз тулпорини қаттиқ қистаб, таъқибдан қутулишга ҳаракат қиларкан.

Ниҳоят, ҳолдан тойган от баланд ва тик бир қоя олдида тўхтабди. Даҳшатга тушган Эмма қоянинг тепасига қарабди: унинг баландлиги минг футдан ҳам ортиқ экан. Маликага қўл етмас баландликдек; унинг тепасида ҳатто от туёқлари учун ҳам жой топилмайдигандек туюлибди. Пастда эса тубсиз жарлик бўлиб, унда дарё ваҳимали шовуллаб оқар экан.

Айни пайтда Бодо маликага жуда яқин келиб қолибди. Ҳаёти хавф остида қолган Эмма бор овозда қичқириб, боболарининг руҳларидан мадад тилабди ва узун қамчиси билан отини савалаб, атрофдан нажот қидирибди. От эса туёқларини ўзи турган жойдан тўрт фут пастга, метин қояга зарб билан ура бошлабди. Шундай урибдики, ҳар зарбда атрофга минглаб учқунлар сачрабди ва қоя ўйилиб, пиллапоя ҳосил бўлибди. Шу пиллапояга таянган от бор кучини тўплаб, қоянинг четига томон сакрабди. Вафодор тулпор бекасининг ҳаётини сақлаб қолибди, лекин сакраш вақтида маликанинг бошидаги оғир тож пастга тушиб кетибди. Итоатсиз маликадан ўч олиш истаги кўзини кўр қилиб қўйган Бодо унинг ортидан сакрабди, бироқ мақсадига етолмай, жарга қулабди. У ерда Бодо кўзларидан олов сочиб турувчи каттакон қора итга айланиб, маликанинг олтин тожини қўриқламоғи керак эди. Айтишларича, шу воқеадан сўнг дарё унинг номи билан "Боде" деб аталибди.

Дарёнинг жарлик тагидан оқиб ўтувчи мана шу қисмида мангу зулмат ва сукунат ҳукмронлик қилади. Ҳатто қушлар бу ерга яқин келмасликка ҳаракат қиладилар. Фақат ярим тундагина итга айланган паҳлавоннинг худди олисдан келаётгандек бўғиқ улишини эшитиш мумкин.

Эмманинг оти туёқларининг изи қолган жой "Росстраппе", яъни "Тулпор пиллапояси" деб аталади. Ўтган вақт қоянинг қиёфасини анча ўзгартирган, лекин ёмғир бу изларни бутунлай ўчира олмаган.

Немис тилидан ЎзДЖТУ
халқаро журналистика
факультети 1-курс талабаси
Ойбек МЎМИНОВ
таржимаси

«УСТОЗ» СКАНВОРДИ

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ



Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-826.
Тиражи 19179. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Аҳмад ОТАБОЕВ.
Навбатчи:
Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(м) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.